


ЕЗ 3/54)  
X-68

ГАМ ҲОТАМОВ, ШУҲРАТ ХАЛИЛОВ

# ЙИЛЛАР САДОСИ



«АДОЛАТ»

к/к

3

Аҳтам ҲОТАМОВ, Шухрат ХАЛИЛОВ

# ЙИЛЛАР САДОСИ

*(Қармана тарихидан лавҳалар)*

Ғошкент «Адолат»

1995

X 68

Ҳотамов А., Халилов Ш.

Йиллар садоси: (Қармана тарихидан лавҳалар)/  
// (Масъул муҳаррир А. Жўраев). — Т.: Адолат, 1995. —  
72-б.

63.3(5У)

I. Автордош.

Масъул муҳаррир:  
Ашурали ЖўРАЕВ

*(Навоий тумани буюртмаси).*

*Ўзбекистон Мустақиллигининг  
тўрт йиллиги ва Навоий тумани  
нинг 60 йиллигига бағиш-  
ланади*

ВАТАН МЕҲРИ

Асл Ватан киндик қони тўкчлган жойдан бошланади, деб бежиз айтилмайди. Қадим ва навқирон карманаликлар учун Ўзбекистондай буюк Ватан меҳри-муҳаббати ана шу тугилган тупроқларида намоён бўлади, шаклланади ва умрбод муқаддас туйғуга айланади. Аслида Қармана Ўзбекистоннинг жуда қадим, улкан ва беқиёс тарихи шодасида кичик маржон каби нур сочиб келади. Бу қадим шаҳарнинг номи, бунёд бўлиши, йиллар давомида тараққий топиши ҳақида ушбу китоб муаллифлари қизиқарли тарихий маълумотлар, афсона ва ривоятларни баён этишган. Шаҳарнинг ёши Бухоро ва Самарқанд билан тенгдошлиги тўғрисида тарихий манбаларда, ташиқли тарихчи олимларнинг асарларида аниқ мисоллар орқали кўрсатиб ўтилган. Афсуски, шўролар тузум даврида Қармана тарихи бир қадар унутилди, тарихий ва маданий ёдгорликларига гатта зиён етказилди. Сўнгги йилларда гоҳ у, гоҳ бу вилоят таркибига ўтказилиши оқибатида ҳар жиҳатдан ривожланишига путур етказилди... Маълумки, Қармана тумани 1926 йил 29 сентябрда Бухоро вилояти таркибида ташкил топган. 1958 йилда туманининг номи ўзгартирилиб, улуғ мутаффакир ва буюк шоир Алишер Навоий ҳазратлари номи берилган. Ҳозир туман янгидан ташкил этилган Навоий вилояти таркибига киради. Мустақиллик шарофати билан туманда иқтисодий ва ижобий ўзгаришлар рўй бераётир. Келгуси йили туманимизнинг 60 йиллиги нишонланади.

Ўзбекистон Президенти Ислам Қаримовнинг: «Тарихга муурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди», деган ибратли сўзлари замирида тарихимиз ва Ватанимизга бўлган чексиз меҳр туйғуси акс этган. Ушбу китоб ҳам бу сўзларнинг ҳаққонийлигига ёрқин мисол бўла олади.

Ватан меҳри ҳар нарсадан улуғ ва кучли. Китобнинг ҳар бир саҳифасида ана шу меҳр туйғусини ҳис этиш мумкин. Албатта унда айрим камчиликлар бўлиши табиий. Лекин гап бунда эмас. Энг муҳими китоб туфайли Ватанчимизнинг бир тарихий гўшасидан кўпчиликнинг хабардор бўлганлигида. Шундай экан, китоб



муаллифларига, уни чоп этишда беминнат хизмат қилган ноширларга миннатдорчилик билдириб айтганики, уни ўқиган китобхоннинг ҳам қалбини ҳеч қачон буюк Ватан меҳри тарк этмасин.

Мардон ШАМСИЕВ,  
*Навоий тумани ҳокими*

## «ДАШТДАГИ КЎЗАЧА» СИРИ

Ҳамма шаҳарлар каби Қармана ҳам ўз тарихи давомида турли ном ва афсоналарга эга бўлган. Бу қадим шаҳар ҳақида ҳар хил ривоятлар тўқилган.

Аллома Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий «Бухоро тарихи» китобида Қарманага шундай таъриф берган:

«Қармана Бухоро қишлоқлари жумласидан бўлиб, унинг суви Бухоро сувидан келади; Хирожги Бухоро хирожига қўшилади. Унинг ўзига тегишли алоҳида бир қишлоқ ҳам бор; унда масжиди жоме барно этилган. Қарманада адиб ва шоирлар кўп бўлганлар. Айтилишича, қадим вақтларда Қарманани «Водийи Хўрдак» («Даштдаги кўзача») деб атаганлар. Бухородан Қарманагача ўн тўрт фарсангдир».

Наршахий Қарманани кўзачага ўхшатишнинг боиси рамзий маънога эга. Чунки бу жойнинг иқлими, тупроғи, суви, наботот оламининг афзалликлари хазина тўла кўзача қиёс қилиб олинган бўлса ажаб эмас.

Атамашунослик бўйича кўпгина тадқиқотларни амалга оширган таниқли олим С. Қорневнинг «Географик номлар маъноси» китобида Қармана «Харимаикент», яъни «катта манзилли кент» шаклида тилга олинган. Бундан ташқари милодий 983 йилда (ҳижрий 372 й.) номаълум муаллиф томонидан ёзилган «Худуд ал-Олам» номли асарда ҳам Қармана тўғрисида маълумотлар бор. Асарда Қармана Сўғд шаҳарига қарашли бўлиб, бу обод жойдир. Оқар сувлари бор, дарахтлари кўп, иқлими баҳаво, одамлари меҳмондўст деб таърифланган. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида эса Қарманада муллалар ва шоирлар кўп, деб кўрсатилган. Бунга 1402 йилда туғилган Аловуддин Ибн Муҳаммад Самарқандий-Али Қушчининг Қарманада ўқиб билим олганлиги мисол бўла олади. Али Қушчидек буюк алломанинг Қарманада таҳсил олиши бу ерда илм-маърифатнинг ривожланганлигидан далолат беради.

Қуйидаги икки афсона ҳам Қармана ҳақида.

**БИРИНЧИ АФСОНА.** Қадимда Қармана бекларидан бирининг Амнна исмли қизи оғир дардга чалиниб, қар бўлиб қолади. Қизини ўша замоннинг аталган табибларига кўрсатишади, аммо фойдаси бўлмайди. Бир куни бир табиб Бекнинг олдига келиб, қизингизни баланд жойга ўтқазиб, атрофига одамларни йиғиб: «Қар

Амина, кар Амина», деб бақриш керак, шунда қизингиз уялганидан таъсирланиб қулоғи очилиб кетади, деган. Бек қизини баланд жойга ўтқазиб, табиб айтган ишни қилади. Қиз бу таҳқирли тadbирдан таъсирланиб соғаяди, яъни кар қулоқлари очилиб кетади. Гўё Кар Амина ибораси кейинчалик Карманага айланган эмиш...

**ИККИНЧИ АФСОНА.** Искандар Зулқарнайн бутун дунёни забт этади. У Бухоро ерларини босиб олиб, Нурота тоғлари орқали Зарафшон дарёси томон келаётганда баланд қир устидан дарё соҳилидаги гўзал, хушманзара «кент»ни кўриб, унга маҳлиё бўлиб: «Кармено» («Кармен» грекча сўз бўлиб, гўзаллик маъносини беради — *муаллифлар*) деб юборган. Шундан сўнг бу жойлар Кармана деб аталган бўлса ажаб эмас.

Бошқа манбаларда Кармана номи араблардан олган, яъни араблар Зарафшон соҳилида жойлашган шаҳарнинг тупроғи, суви, табиати Арманистонга ўхшаш бўлгани учун «Ка Арминита» («Арманистонга ўхшаш») деб аташган, дейилади (В. Бартольд. «Географический очерки». М., 1963. I. 149-бет). Профессор Ҳ. Ҳасанов эса ўз асарларида «Кармана» сўзи маъносини «эски манзилгоҳ, эски қишлоқ» деб таърифлаган.

Буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарининг «1495—1497 йил воқеалари» бобида; Бухоро ва Самарқанд ўртасида хушманзара Кармина вилояти бор, деб таъриф бериб кетган. Хуллас, ҳозирги даврдаги тарихий ва илмий манбаларда «Кармана сўзи»нинг асл маъноси-этимологиясини учратиб бўлмади. Лекин бу борадаги изланишлар давом этапти.

## КАРМАНАДА ТОШ ДАВРИ ИЗЛАРИ

Кармана асрлар мобайнида маърифат ва маданият ўчоқларидан бири сифатида, савдо-сотик, маданий алоқалар ривожланган Марказий Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Шош, Насаф, Балх каби шаҳарлари қаторидан жой олган. Шу боис Кармана ва унинг атрофидаги қишлоқлар тарихи узоқ полеолит даврига бориб тақалади. Тошкент Давлат Дорилфунуни ўқитувчилари М. Қосимов, Т. Мирсоатовнинг Учтут, Ижонд, Сангбурсой, Воуш қишлоқларида ўтказган археологик изланишларидан маълум бўлишича, Кармана атрофларида тош даври ибтидоий овчиларнинг яшаш маконлари ва ов қуроллари топилган.



1958 йили Учтутдан топилган Урта плеолит даврига хос бўлган тош қурооллар яшаш устaxonаси тош даврининг нодир обидаларидан ҳисобланади. Учтутда бир-гuruҳ археолог олимларнинг олиб борган қазииш ишларидан маълум бўлишича, Учтутнинг қадимги тош конидан фақат мусте давридагина эмас, балки юқори плеолит, мезолит, неолит даврларида ҳам хом ашё манбаи сифатида фойдаланилган экан. Тоғнинг остки қатламларидан чақмоқтош ковлаб олиниб, улардан ниҳоятда кескир тош қурооллар ясалган. Қадимги кончилар ҳўкиз, буғу каби ҳайвонларнинг шохларидан ясалган чўкич, уйғич қурооллари ёрдамида 3—4 метр чуқурликда махсус чоҳлар қазиб, уларни туннеллар орқали бирлаштириб, тоғ қаъридан чақмоқтош бўлақларини қазиб олганлар.

Шундай қилиб, Кармананинг Шимолий ҳудудларида қадимги кончилик изларининг топилиши бу заминда бундан 5—7 минг йил муқаддам Марказий Осиёда хусусан, Ўзбекистонда илк бор тоғ саноатига асос солинганлигидан гувоҳлик беради.

Кармана шаҳридан 25 км чамаси Шимолда — Қоратоғнинг Жанубий ён бағрида жойлашган Сармишсой дарасида ибтидий маданиятнинг яна бир нодир обидаси — қоятошларга битилган петроглифлар қайд этилган. Шу атрофларда яшаган қадимги овчиларнинг ҳаёти, урф-одатлари тўғрисида қимматли маълумотлар берувчи бу суратлар даранинг икки томонидаги қоя тошларнинг силлиқ юзасига солинган. Уларнинг асосий қисми учли асбоблар ёрдамида, зарб билан уриб ёки ўткир кескичлар билан чизиб, тарошланган. Ушбу суратларда асқсан ёввойи буқалар, узун шохли буғу ва бўлонлар, елиб бораётган тоғ такаси, оҳу, тўнғиз, бўри, қоплон, итлар ҳамда овчилар ва ов манзаралари тасвирланган.

Тош суратлар тадқиқотчиси А. Кабиrowининг ёзишича, Сармишсой суратларининг ёши милоддан аввалги II минг йилликка мансубдир. Демак, бундан 4 минг йиллар илгари Кармана атрофларида яшаган аждодларимиз моҳир овчи бўлиш билан бирга юксак маданиятли суратлар ҳам чизганлар. Таниқли тарихчи олим А. Муҳаммаджонов «Қадимги Бухоро» номли китобида шундай деб ёзади:

«Қадимги Сўғд маданиятига мансуб қишлоқлар аввал Самарқанд атрофларида сўнгра аста-секин Зараф-



шон дарёси бўйлаб ҳозирги Навоий вилоятининг Навоий, Навбахор, Конимех туманларидаги ерларда милодгача бўлган VI—V асрларда деҳқончилик қишлоқлари қад кўтара бошлаган».

Қадим Қармана тупроғи турли даврларда бўлган истилолардан четда қолмади. Жаҳонга таҳдид солган Искандар Зулқарнайннинг қадами ҳам бу ерларга етиб келган.

Маълумки, Искандар Зулқарнайн — Александр Македонский, милоддан аввалги 329—327 йилларда Ўрта Осиёга юриш қилиб, Яксарт (Сирдарё)га қадар бўлган ҳудудни забт этади. Зарафшон водийси бўйларида у шафқатсиз, қирғинлар келтириб, сўғдларнинг қалъаларига ўт қўйиб, 120 мингдан ортиқ аҳолини қириб ташлаган. Айниқса, бу қирғинда Арбинжон (Қаттақўрғон), Дабусия, Қармана ва Қалқон ота атрофларида яшаган сўғдийлар катта талафот кўрганлар. Айни пайтда улар Искандар қўшинларига қарши курашганлар. Айниқса, Искандар қўшинлари Зарафшон водийсида Спитамен бошлиқ сўғд қабилаларининг катта қаршилигига учраган. Спитамен ўз атрофига ишончли кишиларни йиғиб, Искандарга қарши озодлик учун кураш олиб борган. У билан биргаликда Қармана атрофларида Таҳшод, Қаттақўрғонда Сатрак номли исёнчилар Искандарга қарши жанг қилганлар. Бу ҳақда «Ўзбекистон тарихидан ҳикоялар» номли китобда ҳам қизиқарли маълумотлар берилган»...

\*

\* \* \*

VII асрнинг иккинчи ярмида араб халифалиги шиддат билан Мовароуннаҳрга бостириб келдилар. Уша даврларда Бухоро ва унинг атрофларига, жумладан Қармана музофотида Хотун подшоҳ ҳукмронлик қиларди. Сўғдиёнанинг гўзаллиги, бойлиги ҳақида эшитган араблар дастлаб Бухоро томонга юриш бошладилар. Лекин Хотун подшоҳнинг донолиги, ишбилармонлиги тўфайли катта талафотлар кўриб, орқага чекиндилар. Орадан 3—4 йил ўтгач, араблар катта куч ва қўшин билан Бухорога яна ҳужум бошладилар. Қисқа вақт ичида Бухоро ва Сўғднинг жуда кўп шаҳарлари, жумладан Қармана ҳам араблар қўлига ўтади. 704 йил Қутайба ибн Муслим Хуросон амири этиб тайинлангач,

унга Сўғдда араб халифалиги ва ислом динини ўрнатиш вазифаси топширилади. Араблар даврида Кармана ҳозирги ўрнидан бир оз шимолроқда — Зарафшон дарёси бўйида бўлган.

Тарихдан маълумки, арабларнинг Урта Осиёдаги халифалигига Муқанна (асли исми Ҳошим ибн Ҳаким) бошлиқ халқ озодлик ҳаракати катта қаршилиқ кўрсатган. «Оқ кийимлилар» номи билан машҳур бўлган бу ҳаракат асли Марвдан бошланган бўлсада, 776-йилларда Кармана воҳаси атрофларида кучайиб кетган. Муқанна ўз одамлари билан беш йилдан ортиқ Бухоро ва Самарқанд оралигидаги шаҳар ва қишлоқларни ўз қўлларида ушлаб турганлар. Муқанначилар тасарруфида шак-шубҳасиз Кармана кўрғони ҳам бўлган. Кейинчалик кучлар тенг бўлмагани сабабли араблар голиб келиб, барча «Оқ кийимлилар»ни қириб ташлаган...

Бу билан Кармана ва унинг атрофидаги қишлоқларда жангу жадаллар барҳам топгани йўқ. Бухоро ва Самарқандга етказилган талафотлардан Кармана ҳам бебаҳра қолмаган. Бу ерга ҳам Чингизхоннинг ўтли қаҳри етиб келган.

Чингиз қўшинлари Бухорода ўз мавқеларини ўрнатиб олгач, Самарқанд томонга юриш бошладилар. Албатта, Самарқандга бориш йўлидаги асосий истеҳком Кармана бўлган. Буни сезган айёр Чингизхон катта куч билан Карманага ташланди. У бу жангда асосан Бухородан олиб келинган қўллардан фойдаланди. Шаҳар ва қишлоқларга қўшилиб, барча уйлар вайрон қилинди, беҳисоб табиий ва ер усти бойликлари таланди, китоблар ёқиб юборилди. Ҳатто улар хотинлар ва қизларни таҳқирлаганлар, ёш гўдаклар онаси қорнидаёқ нобуд этилган. Тарихий манбаларда ҳикоя қилинишича, бир хотин ўлими олдидан ўз қотилидан шафқат сўраб, ялиниб ёлворган. Фарзандларини ўлдирмаслик эвазига ютган қимматли дурни беришга ваъда этган. Мўғул шу онда унинг қорнини ёриб, ичидан қимматбаҳо дурни топиб олган. Бари бир аёлнинг фарзандларини ўлдирган. Шундан сўнг ҳамма ўликларнинг қоринларини ёриб қарашга фармон берилган.

Халқ бундай таҳқир ва золимликка чидаш беролмай истилочиларга қарши бош кўтарди. Хўжандда Темур Малик, Бухоро ва Кармана атрофларида Маҳмуд Торобий бошчилигида исёнлар бошланди.

Айниқса, Бухорода бошланган кўзғолон Карманада



авжига чиқди. 618 (1221) йил ўрталарида Қармана шаҳрининг Ғарбида Малик чўлида Маҳмуд Торобий гуруҳи билан мўғуллар ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Бу урушда 20000 мингдан ортиқ мўғул жангчилари тор-мор қилинди. Душман чекиниб, бир неча вақтдан сўнг қайта ҳужум қилиб, Маҳмуд Торобий ва унинг одамларини енгиб, ўз истилосини яна давом эттирди. Маҳмуд Торобий қўзғолони бамисоли ёрқин аланга каби лов этди-ю сўнди, лекин бу оловнинг учқунлари воҳалар бўйлаб ёйилиб кетди. Халқ нафратининг алангаси гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда кўтарилиб турди...

## АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ҚАРМАНА

Буюк жаҳонгир Амир Темур даврида Қармана атрофларида ҳам кўп ўзгаришлар рўй берди. Амир лашкарларига маҳаллий аҳолининг ёрдам бериши туфайли мўғуллар истилоси тугатилди. Темур даврида Қармана, Бухоро ва Кеш мадрасаларидаги мударрисларга олдин бўлганидан ортиқроқ иш ҳақи тайинланган. Маърифат ва ободончиликка эътибор кучайган.

Амир Темурнинг Бухоро, Кеш, Қарманага нисбатан бўлган эътибори бежиз эмас: фикримизни асослаш учун 1124 (мелодий 1712) йилда номаълум муаллиф томонидан битилган «Темурнома» китобидаги ушбу маълумотни эътиборингизга ҳавола этамиз: «Улуғ Амур Темурнинг онаси Тегина Бегимнинг отаси Бухорода таниқли олим Садр аш-шарифа (шариат улуғи) Убайдуллоҳ ибн Аҳмад Ал-Маҳбубий Бухорийдир. Садр аш-шарифа Убайдуллоҳ Бухорий авлодидан бўлган Мавлоно Тож аш-шарифа (шариат тожи) Абу Абдуллоҳ Умар Қарманада яшаган ва 1309 йилда Қарманада вафот этган. Шажара жиҳатидан олиб қарайдиган бўлсак бу зотлар Амир Темурга она бобоси томонидан авлод бўлган» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1992 йил, 28 февраль). Кўриниб турибдики, Қармананинг янада обод ва гўзал шаҳар бўлиши учун Амир Темур катта эътибор берган...

\* \* \*

## ҚАРМАНАНИНГ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Буюк ипак йўли Хитой, Урта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари ўртасидаги қадимги савдо йўлидир, Қар-

мана ана шу Буюк ипак йўли устида жойлашган. Ипак йўли шаҳарнинг Жанубий-Шарқ томонидан бошланиб, унинг Жанубий-Ғарб томонидан ўтиб кетган. Бу, албатта, Кармананинг ўша даврда йирик савдо марказларидан бири бўлганлигини кўрсатади. Шу сабабдан Карманага ўша даврларда Хитой чинниси, Булғор чарми бошқа ўлкалардан илгарироқ келиб қолган. Шуниси қизиққи, Буюк ипак йўли аҳамиятини йўқотгандан 500 йил ўтгач, яъни 1990 йил сентябрь ойида ЮНЕСКОнинг қарори билан қадимги ипак йўли бўйича туристик маршрут ўтказилди. Унда юздан ортиқ мамлакат вакиллари қатнашдилар. Сафар иштирокчилари 1990 йил 29 сентябрида Карманада бўлдилар. ЮНЕСКО тадбири қатнашчиларининг Карманадан ўтиши, шаҳримизнинг ипак йўлидаги катта савдо Маркази эканини исботлайди. Ҳозирги пайтда туманда тўртта республика миқёсидаги, ўн бешта маҳаллий ҳокимиятларга тегишли бўлган тарихий ёдгорликлар ва тепалар бор. Бундан ташқари ўн бешта монументаль санъат асари мавжуд.

## КЎҲНА ҚЎРҒОН

Кармананинг эски ўрни Кўҳна Қўрғон номи билан аталган жойда бўлган. У ҳозирда Кармана шаҳрининг Шимол томонида, Зарафшон дарёсининг Жанубий соҳилида қад кўтарган. Қўрғоннинг тахминий майдони 1—2 квадрат километрни ташкил этган. Унинг Шимолий чегараси Зарафшон дарёси орқали, Жанубий чегараси ҳозирги ҳунар-техника билим юрти ва туман савдо бошқармаси бинолари ўрнидан ўтган. Шарқий чегараси эса, «Мирзо Чорбоғ» ва «Жар» тегирмонга туташ бўлган. Бу ҳозирги тери-таносил касалхонаси атрофларидадир. Қўрғоннинг Ғарбий чегараси «Бобои Пирвон» қабристонигача чўзилган. Вақт ўтиши билан бу мазор ўрни йўқолиб кетган.

Қўрғоннинг ким томонидан қачон қурилгани номаълум. Лекин у баланд ва жуда қалин девор билан ўралган. Бизнинг тахминимизча қўрғон ичида гузар, мачит, ҳаммом, зиндон, меҳмонхона, мадрасалар бўлган бўлса керак. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида бу ерда масжиди жоме бўлганлиги қайд этилган. 1903 йилда туғилган Исмоил бобо Фармоновнинг эслашича, у кишининг оталари ҳозирги туман тайёрлов идораси ўрнида бўлган масжидга номоз ўқишга боришган. Уша



пайтларда ҳам масжид бузилган, ярим вайрона шаклида бўлган. Фикримизча, Наршахий ёзган масжиди жоме Кўҳна Қўрғон ичида бўлган. Қўрғон ичидаги халқ савдо-сотик билан шуғулланган. Шунингдек, шаҳарда заргарлик, мискарлик, темирчилик, дурадгорлик, кулолчилик ва бошқа ҳунармандчилик турлари ривож топган.

## АРК

Кармана Бухоро амирлигининг иккинчи пойтахти бўлгани учун қўрғоннинг ўртасида Кармана арки қурилган. Кармана аркининг ўрни ва чегаралари қуйидагичадир. Аркининг Шимолий чегараси ҳозирги туман кутубхонаси биносигача, Жанубий чегараси эса ҳозирги китоб дўкони ва кўзи ожизлар жамияти кутубхонасигача, Шарқий томони — туман ҳарбий комиссариати биносигача, Ғарбий томони эса «Мустақиллик» кўчаси билан чегарадош бўлган. Аркининг умумий майдони тахминан 110 кв. м ёки 1,1 гектарни ташкил этган. Аркининг Шарқий қисмидан кўтарилиб борадиган йўл орқали ичкарига кириладиган катта ёғоч дарвозаси бор эди. Дарвоза олдида кеча-ю-кундуз бек сарбозлари қўриқчилик қилганлар. Арк махсус қурилган қўрғоннинг ўртасида бўлган. Қўрғон деворининг айлана узунлиги тахминан 3000 м.га тенг келади. Девор етти пахсали бўлиб, баландлиги 4—5 метр атрофида. Қўрғоннинг учта дарвозаси бўлган. Дарвозалар «Қарши», «Қибла», «Қунчиқар» деб аталган. «Қибла» ва «Қунчиқар» дарвозалари ўртасида бор бўйига раста барпо этилган. Растаннинг икки томонида қатор савдо дўконлари жойлашган.

Бизнинг тахминимизча Кармана арки, Қўрғон девори ва расталар жуда қадимда қурилган. Шуниси қизиқки, Карманадаги тарихий ёдгорликлар қурилиши, архитектураси ва ҳатто кўриниши жиҳатидан ҳам Бухородаги машҳур ёдгорликларга ўхшайди. Кармана арки, Қўрғон девори ҳамда растаси Бухоро арки, Қўрғон деворидан нусха олиниб барпо этилган.

Афсуски халқимизнинг минг йиллик тарихига гувоҳ бўладиган бундай нодир обидалар айрим шахсларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги туфайли аста-секин емирилиб, нураб, изсиз йўқолди. Кармана аркининг тупроғи 1956 йилда Тошкент-Бухоро катта йўл қурилиши

учун ишлатилди. Унинг ўрни салкам 30 хонадонга уй-жой қуриш учун берилди...

Энди Кармана чорбоглари, сарой, чойхона ва карвонсаройлари тўғрисида айрим маълумотларни берамиз.

Кармана ҳудуди хушҳаво, хушманзаралиги, табиатининг беқиёс гўзаллиги ва ширин-шакар мевалари билан машҳур бўлган. Шу билан Карманадаги боғлар ўрни жуда усталик билан танланган.

Ривоят қилишларича Кармана Беги ҳавоси мусаффо жойни аниқлаш учун, ғоят назик тадбирни ўйлаб топган. У чорбоғ учун белгиланган жойларда қўй сўйиб гўштини очиқ ҳавода ҳодага боғлаб қўйган. Гўштининг қайси бири тез айнимаса ўша жойни боғ учун танлаган. Карманадаги энг хушҳаво жойларда Мирзо чорбоғ, Чармгар чорбоғ, Хон чорбоғ, Гул чорбоғ, Носирбодом чорбоғи, Закоатчи чорбоғи ва ҳозирги Марказий касалхона атрофида номи номаълум чорбоғлар кўп бўлган. Бу чорбоғларга асосан мевали дарахтлар экилган. Аксарият чорбоғларининг ўртасида сарҳовузлар бўлиб, уларнинг атрофида супалар кўтарилган.

Афсуски, бу боғ-чорбоғларнинг кўпчилиги инқилобдан сўнг бой ва бекларнинг номи билан боғланиб йўқотиб юборилди. Шунга қарамай халқ айрим чорбоғларни ҳозирга қадар асраб қолган. Масалан, Гул чорбоғ ҳозир болалар дам оладиган сўлим жойга айлан-тирилган. Мирзо чорбоғ, Чармгар чорбоғ 70-йилларга келиб бузилган.

Кармана қўрғони ичида бекнинг алоҳида карвонсаройи ва ҳиндуларнинг ўзларига тегишли карвонсаройи бўлган. Бу саройлар Буюк ипак йўли орқали ўтадиган ҳар икки тараф карвонлари учун хизмат қилган. У вақтларда, табиийки, меҳмонхоналар бўлмаган. Шу сабабли карвонсаройлар меҳмонхона вазифасини бажарган, шунингдек от, туя, аравалар шу ерда жойлаштирилган. Улар неча кун турса озиқ-овқат, отлари учун ем-хашак билан таъминланганлар. Карвон эгалари саройбонга жой учун, бекка бозорда қилган савдо-сотиқнинг фойдасидан закот тўлашган. Шунингдек, бозор ва унинг атрофларида чойхоналар ҳам бўлган. Улар меҳмонлар учун тунаш жойи вазифасини ўтаган. Бироқ чойхона эгалари ҳақида бизга ҳеч нарса маълум эмас. Лекин инқилобдан сўнг ташкил этилган жамоа хўжаликлари амалда бўлган чойхоналарни ва саройларни



сотиб олганлар ва улардан хўжалик манфаати учун фойдаланганлар.

## РАБОТИ МАЛИК

Работи Малик Марказий Осиёдаги монументал меъморчилик ёдгорликларидан бири, Қармана шаҳридан 18 км Ғарбий томонда жойлашган. У 1069—1079 йилларда подшоҳ Шамсилмулк Носир ибн Иброҳим (1068—1080) даврида Буюк инак йўлида қурилган. Работи Малик карвон сарой вазифасидан ташқари, истехком, қўрғон сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Работи Малик ҳақидаги дастлабки маълумот ва унинг кўринишлари рус олими ва rassomi А. Лемоннинг сафар хотираларида ҳамда чизган расмларида (1841 й.) келтирилган. Ҳозир Работнинг пештоқи ва сардобаси қолган холос.

Уша даврда Работи Малик кенг чорси ҳовли, атрофини ўраган хона-ҳужралардан иборат бўлиб, унга Жануб томондаги пештоқли дарвоза орқали кирилган. Бино ташқи деворларининг узунлиги тахминан 100 метрлар атрофида бўлиб, баландлиги 12 метрга яқин, орқасидаги хоналар икки қават бўлганлигидан дарак беради. Уртадаги улкан пештоқ ғоят гўзал ишланган. Унинг бўйи 18 метр, эни 12 метр чамасида. Дарвоза пештоқи қурилиши жиҳатидан Марказий Осиёдаги энг қадимги меъморий бинодир. Унда саккиз қиррали юлдузлар, турли геометрик шакллар мавжуд, пештоқ чеккасида иккита бурж бўлиб, улар ўзаро баланд девор билан уланган. Девор юқорисида арабча ёзув бор. Буржлар тепасида равоқли кўшк бўлиб, ундан атрофини кузатиш қулай бўлган. Работ деворлари ўзаги хом ғиштдан (28×28×6,5) терилган, ташқариси пишиқ ғишт (24×24×4 см) билан қопланган. Работи Маликка кириш дарвозасининг икки томонида кўплаб ғишт бўлаклари ва эски тупроқ уюмлари қолдиги ҳозиргача сақланиб қолган. Фикримизча бу қолдиқлар ўрнида узунлиги 30—36 метр чамасидаги иккита иморат бўлган. Қарама-қарши қурилган бу иморатлар оралиғидаги йўлакдан Работ дарвозасига кирилган. Биноларнинг икки томонида сарбозлар турган бўлиши мумкин. Малик дарвозасидан асосий бинолар қурилган жой ўртасида ташқари ҳовлига монанд майдон бўлган. Асосий ҳовлига кириш дарвозасининг чап томонида Шимолдан—Жануб-

та қараб 40—45 метр узунликдаги қалин девор бўлиб, унинг бошланиши ва охирида бир-бирига қарама-қарши қилиб қатор хоналар қурилган. Унг томондаги катта карвонсаройнинг майдони 4000 кв. метр атрофидадир. Унда 10 қатор қилиб олтиладан диаметри 1 мм баланд эшик устунлар ўрнатилган, устунлар ўрни ҳозирга қадар сақланиб қолган. 60 устунли бундай сарой Марказий Осиёдаги энг катта карвонсаройлардан бўлиб, эҳтимол, бу ерда туя, от ва уларнинг юклари сақланган бўлиши мумкин.

Археологик қазинмалардан маълум бўлишича карвонсарой ичиде сополдан ясалган қувур орқали водопровод ўтказилган. Балким бу қувурга сув Сардобадан келган бўлиши мумкин. Карвонсарой деворларининг тўрт бурчагида бўйи 18 метрли 4 та минора бўлган ва у «Гулдаста» деб аталган. Карвонсаройда бизнинг авлодларимиз ҳам ўзлари ясаган турли ҳунармандлик, заргарлик ва тош буюмларни хорижий мамлакатлардан келтирилган маҳсулотлар билан айирбошлаб савдо-сотиқ қилишган. 1937—1940, 1973—1977 йилларда археологларнинг Работи Маликда олиб борган қазиниш ишларидан шу нарса маълумки, карвонсарой XI—XIII асрларда яхши сақланган. Шу орада у бир неча бор таъмирланган. Ўзбекистондаги энг қадимги ва нодир ёдгорлик ҳисобланган. Агар мазкур ёдгорлик қайтадан тўлиқ таъмирланса Самарқанд-Бухоро йўлида йирик сайёҳлар қўналғасига айланиши шубҳасиз.

## САРДОБА

Сардоба фореча «сард-совуқ», «оба-сув» маъносини билдиради. Сув танқис ерларда уни сақлаш учун махус қурилган гумбазли ҳовуздир. Сардобанинг девори цилиндр шаклида бўлиб, қалинлиги 1,5 метр, диаметри 12—13 метр, чуқурлиги эса 15—18 метр атрофида. У сифатли пишган ғишт ва гилдан ишланган. Тепаси туйнукли. Сардобага кириш учун эшик ҳам ўрнатилган. Сувни тоза сақлаш учун унинг олд томони девор билан ўралган. Сардоба ёнида моллар сугориладиган охур қилиниб, унга сувдондан махус тарнов орқали сув оқизилган. Сардоба атрофида уни муҳофаза қилиб, тозалаб турувчилар учун хоналар бўлган. Малик сардобаси жуда нодир қурилиш иншоотидир.

Сардоба ҳовузи остига ганж қўшилган япалоқ ғишт-



лар териб чиқилган. Унинг устидан саксовулдан тайёрланган, кўмир қатлами тўшалган. Кўмир ер ости сувлари кўтарилганда зарарли тузларни ўзида сақлаб қолиш хусусиятига эга эканлигини қадим авлодларимиз яхши билишган. Кўмир қатлами устидан туя жуни ва мол териси текис қилиб тахланган ҳолда тўшалган, устидан ганчланиб, ғишт терилган. Шу тариқа ғишт то гумбаз тўлгунча териб борилган. Сардоба географик ўрни, жойлашувига кўра ҳам ўзига хосдир. Баҳорда атрофдаги нишаблардан оқиб тушадиган қор ва ёмғир сувлари сизиб ўша ерда тўпланган. Тарихий маълумотларга қараганда Мовароуннаҳрда 44 та сардоба бўлган. Улардан 29 таси Қарши чўлида, 3 таси Мирзачўлда, 3 таси Фарғона ва Тошкент оралигида, биттаси Қармана яқинидаги сардобадир. Шундан кўриниб турибдики, Работи Малик сардобаси Самарқанд ва Бухоро оралигидаги чўлларда ягона оби ҳаёт манбаи бўлган. Ҳозирда гумбазнинг устки қисми ва кириш эшиги устидаги кунгирадор, нақшинкор безаклари бузилиб кетган. Йиллар ўтиши билан сардоба кўмилиб борган. Ҳозир сув сатҳи эшик баландлиги билан баробар бўлиб қолган. Тўртта туйнукнинг биттаси бузилиб, пастки қисми ер сатҳи билан баробар ҳолга келиб қолган. Тарихчи А. Лемоннинг ёзишича 20-йилларда сардоба атрофида кичик қишлоқ бўлган. Унинг қолдиқлари 50-йилларгача сақланган. Ҳозир Сардоба атрофида ҳеч нарса қолмаган.

### ДЕҲҒАРОН МАСЖИДИ

Туманимиздаги яна бир машҳур тарихий ёдгорликлардан бири Ҳазора қишлоғи яқинидаги Деҳғарон масжидидир. У Қарманадан тахминан 40—45 км. Шимолий-Ғарб томонда жойлашган.

Деҳғарон форсча сўз бўлиб, «қозон қуювчи», «қозон устаси» деган маънони билдиради. Машҳур археолог олима, академик Г. А. Пугаченкованинг «Социалистик мамлакатлар ёдгорликлари» китобида ва қарманалик журналист Б. С. Шалатовининг 1985 йилда «Дўстлик бийроғи» газетасида эълон қилинган «Деҳғароннинг сирли гумбазлари» мақоласида ҳам қозон қуювчи, деб таърифланган. Бундан хулоса шуки, «Деҳғарон Зардуштийлик даврида қурилган бўлиши керак. Зотан ўтга сизинишнинг айрим белгилари ҳозирги вақтгача бизда сақланиб қолганини эътиборга олсак, ушбу фикрда жон бордек тўюлади.

Деҳгарон масжиди XI асрда қурилган бўлиб, у ўзининг қурилиши, меъморий тузилиши билан қимматлидир. Масжид асосан тўрт бурчак шаклидаги бинодан иборат бўлиб, у паҳса ва гиштан терилган. Бўйи ҳамда эни 17 метрдан иборат. Пастдан баландигача 20 паҳса урилиб, ҳар паҳса орасига бир қатор гишт терилган. Масжиднинг Шимолий томонида қадимий қалъа деворлари қолдиғи бор. Томонлари 200 метрдан, баландлиги 7 метрлар чамасидаги бу жой тахминан ўртамиёна қўрғонни эслатади. Қўрғоннинг Шимолий томонида кириш дарвозаси бўлган. Эҳтимол ичкарида мусофирлар учун тунаш ҳужралари ва бошқа иморатлар бўлган бўлиши мумкин. Масжиднинг ички қисмидаги хонақоҳ кубсимон, ўрта қисмида тўрт гиштан устуни бўлиб, улар ораларига катта равоқлар, тепаларига иккитадан кичик равоқлар жойлашган. Масжиднинг марказий гумбази ўрта хонанинг бурчакларидан чиқарилган ва ўн икки бурчакли безак ҳосил қиладиган равоқлар устидан кўтарилган, хонақоҳнинг Шимолий ва Жанубий хоналарида хушбичим гиштан шарафалар мавжуд.

Деҳгарон масжидидан тахминан 300—350 метр чамаси Жанубий-Шарқ томонида Мавлоно Ориф макбураси бор.

Масжиднинг ички саҳни 16×16 метрдан бўлиб, унга тўртта устун ўрнатилган. Устун пишиқ гиштан устун билан терилиб, айланаси 3,5 м, баландлиги 9—10 метр атрофидадир. Тўрттала устун ҳам бир-бирига қўлбоқсимон боғланиб, ҳар 0,5 м ерида лўласимон боғламалар ўрнатилган, улар қасқонни ушлаб туриш, уни мустаҳкам тутиш ва безак вазифасини ўтаса керак.

Масжиднинг тепаси гумбазлар билан қопланган, унинг марказида асосий катта гумбаз бўлиб, ён-атрофида кичик-кичик яна саккизта гумбазчалар бор. Бино ичкаридаги катта залда деразалар йўқ. Шундай бўлса-да гумбазларда қолдирилган 17 та кичик туйиқдан доим тушиб турадиган ёруғлик ўзаро кесишиб, кет-кин кун бўйи ёруғ бўлишини таъминлайди. Бу дарёда меъморчилик қонуни асосида бинонинг қурилиши кишини ҳайратга қолди. Масжидга тўртта эшик ўрнатилиб, у эски ўймакорлик усулида ясалган. Ҳозир масжиднинг Ғарбий томонида меҳроб бўлиб, у 1970-80 йиллардаги таъмирлаш даврида бажарилган.

Ҳовирги вақтда Деҳгарон масжиди атрофида катта



ободончилик ишлари амалга оширилган. Унинг Фарбий томонида катта усти ёпиқ айвон ва бир неча хоналар барпо этилган. Айвонларда эски ўймакорлик услубда ясалган дарвоза ва устунлар ўрнатилган-ки, улар бино салобатини ошириб, масжидга мос тушган. Бинонинг Шимолий томони обод қилиниб, гулзорларга айлан-тирилган, чиройли йўлакларга мрамар тошлар ётқизилган. Бундай хайрли ишларга «Ҳазора» жамоа хўжалигининг собиқ раиси Раҳим Исмоилов ташаббускор бўлган.

## ҲАЗРАТИ МАВЛОНО ОРИФ ДЕҲГАРОНИЙ

Мавлоно Ориф ким? У ҳақда аниқ маълумотларни бирор манбада учратмадик. Қўлимизга ҳижрий ҳисоб билан 1328 йилда (милодий 1907 йил) Бухорода форс тилида чоп этилган Саййид Муҳаммад Носирнинг «Тухфат аз-зоирин» («Зиёратчиларга совға») асарини тушиб қолди. Бу асар Бухоро ва Тошкент оралиғида яшаб ижод қилган шайх ва авлиёлар тўғрисидаги қизиқарли маълумотларга бой. Гап шайх ва авлиёлар тўғрисида кетганда биринчи бўлиб Ҳазрати Саййид Қуллол тилга олинади. У киши ислом оламининг энг йирик намоёндаларидан.

Мазкур рисолада Саййид Амир Қуллол Мавлоно Орифни биринчи бўлиб тилга олган. Китоб муаллифи 46-бетда Мавлоно Ориф тўғрисида алоҳида тўхталиб, унга қуйидагича таъриф-тавсия беради.

Мавлоно Ориф аввал ўтган халифалардан бўлиб, Саййид Амир Қуллолнинг энг яқин шогирдларидан биридир. У Бухородан 9 тош нарида Кўҳак (Зарафшон) дарёсининг бўйида, Ҳазора қасобаси (қишлоғи) Деҳгарон даҳасида туғилган. Ёшлигидан исломга бўлган буюк эътиқоди туфайли Қуръони Қаримни ёд олган. Етти йил мобайнида ҳазрат Амир Қуллолдан шарият, тариқат сабоқларини олиб, унинг ижозати билан турк ва тожик халқларига сидқидилдан хизмат қилган. Бир неча бор Маккаи Мадинага бориб келган.

Амир Қуллол айтадики, Мавлоно Ориф ва Баховуддин Нақшбандга тенг келадиган пир йўқ. Улар Оллоҳ раҳматига етган кишилардир. Уларда валийлик сифатлари мужассам.

Юқоридаги сифатлардан кўриниб турибдики, Мавлоно Ориф буюк шахс, етук пир ва дин пешвоси бўлибги-

на қолмай, руҳий мўъжизалар, кароматлар, башоратлар кўрсатиш қобилиятига эга бўлганлар. Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд билан ҳамнафас замондош эканлигини ҳисобга олсак, у киши XIV асрда тахминан 1320—1380 йиллар оралиғида яшаб ўтган бўлишлари мумкин.

## МИР САИД БАҲРОМ

Мир Саид Баҳром мақбараси Қармана шаҳрининг марказига яқин, яҳудийлар маҳалласининг Шимолий чегарасига жойлашган. Мақбара X—XI асрга хос бўлиб, жумҳурият ҳисобидаги ёдгорликлар қаторига киради. Мақбара бир гумбазли, тўртбурчак шаклда, ҳамма томони бир хил ўлчовдаги пишиқ гиштдан тикланган. Бино бир неча бор таъмир қилиниб, дастлабки кўринишини йўқотган, унинг олд қисми жуда усталик билан безатилган, гишт турли усулда терилиб, унга ҳар хил шаклда безак берилган. Мақбаранинг Жанубий томонида битта эшик бор, унинг тепа қисмида кунгурадор, панжарали туйнук очилган. Бош фасад пишиқ гиштдан қайта терилган, унга геометрик нақшлар, куфий усулда битик ёзилган.

Мақбара ўртасида Мир Саид Баҳромнинг қabri бор. Қабр ёнида арабча сўзлар ёзилган иккита қабр тоши ҳам сақланиб қолган.

Аслида Мир Саид Баҳром тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ. Эҳтимол у киши мусулмон динининг йирик намоёндаларидан бири бўлгандир, эҳтимол сомонийлар сулоласи вакилларида биридир, чунки мақбара қурилиши жиҳатидан, Бухородаги Исмоил Сомоний мақбарасига ўхшаб кетади. 1965—1970 йилларда мақбара ёнида айвонли масжид бўлган, кейинчалик таъмирлаш даврида у бузилиб кетган.

Ҳозир Мир Саид Баҳром мақбараси атрофи ободонлаштирилиб, унинг ёнида «Ёшлик» болалар истироҳат боғи ташкил этилган. Боғда 140 ўринли ёзги кинотеатр, мусиқа мактаби ва ўқувчилар уйи бор.

## ҚОСИМ ШАЙХ МЕЪМОРЧИЛИК МАЖМУАСИ

Ушбу меъморчилик мажмуига Қосим Шайх хонақоси, даҳма, зиёратхона ва Бухоро амири Абдулаҳадхон қabri киради.



XVI асрда яшаб ўтган Урта Осиёдаги йирик ислом дини мутафаккирларидан бири Қосим Шайх Азизондир. Қосим Шайхнинг Қарманда туғилиб, шу ерда вафот этганлиги тархий манбалардан маълум. Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бир ҳукмдорнинг бир неча диний устози — пири бўлганлигини кўрамыз. Амир Темур Шамсиддин Қуллолни, Саййид Барақани ўз пирилари деб билганлар. Ўз даврида Қосим Шайх ҳам Бухоро ҳукмдори Абдуллахоннинг (1534—1598) пири бўлган. Уша даврнинг йирик шайхларидан бўлмиш Жуйбор Хўжалари — Хўжа Ислоҳ ва Хўжа Саъднинг замондоши Абдуллахон Қосим Шайхга бўлган юксак эътиқоди туфайли Бухоро ва Қармана оралиғидаги масофанинг йироқлигига қарамай, Шайх ҳузурига — Қарманага ўзи келарди. Баъзи манбаларга қарганда Қосим Шайх Аҳмад Ясавий силсиласига боғланади. Уни ёшлигидан Куҳ Нури Мавлавий деган киши тарбия қилган ва кейинчалик Қосим Шайхни ҳазрат Худойод (1530-31 йил вафот этган)га муридликка берган, деган тахминлар ҳам бор.

Юқорида тилга олинган Саййид Муҳаммад Носирнинг «Тухфат аз-зоирин» асарида Қосим Шайхнинг ажойиб хислатлари кенг баён этилган.

Асарда ёзилишича Бухоро хони Абдуллахон энг қийналган пайтларида Қосим Шайхга мурожаат қилиб, маслаҳат сўраган. Ташкент ва Туркистон ҳокими Наврўз Аҳмадхон 1551 йили Бухоро ва Миёнколни босиб олиш учун юрши бошлайди. Шунда Абдуллахон Қосим Шайхдан ҳузурига борганида Шайх фотиҳага қўл очиб, хонга мудофаани ағаллашни маслаҳат беради. Қармана учун бўлган жанг 12 кундан зиёд давом этади ва ниҳоят Абдуллахон душман билан сулҳ тузишга эришади.

Абдуллахон ўз пири Қосим Шайхга бўлган эътиқоди туфайли хижрий 966 (милядий 1558) йилда Қарманда кўркам хонақоҳ барпо қилди.

Қосим Шайх ҳазратлари халқ манфаатлари ҳимоячиси бўлган. У солиқ йиғувчилар томонидан аҳолига тазийқ ўтказилишига қарши бўлиб, мамлакат фаровонлиги учун курашган, закотчиларни инсофга чақирган.

Қосим Шайх тўғрисида қуйидаги сўзлар диққатга сазовордир: «Ул ҳазратнинг кимё хосият ҳаёлларида бутун вилоят жамиятини бирлаштириш, турли табақадаги халқни яхши кун кечирishi, мамлакат ва мулк-

нинг осойишталиги, яхшиларга ҳиммат ва илтифот кўрсатиш бўлган» («Абдулланом», Т., 1969 й. II жилд, 248-бет).

«Тухфат аз-зоирин» асарида қайд этилишича, Қосим Шайх ғайри оддий хусусиятлар соҳиби, кароматлар қила оладиган шайх бўлган.

Қосим Шайх вабо касаллигига йўлиқиб, ҳижрий 989 йил (1581 йил 28 феврал)да Қарманада вафот этади ва шу ерда дафн қилинадиган («Тухфат аз-зоирин» 134-бет). У киши ҳақида халқ ўртасида кўпгина афсона ва ривоятлар ҳам яратилган.

Абдуллахон даврида бунёд этилган Қосим Шайх хонақосининг Шарқий томонида Қосим Шайхнинг сағанаси бор. Сағана ўрни тахминан 5×6 метр атрофида бўлиб, пишиқ ғишт (Абдуллахон ғишти) билан териб чиқилган, баландлиги тахминан 1,5—2 метр. Динга қарши кураш таъсирида сағана чўкиб, бузилиб, хароба ҳолга келтирилган. Бироқ Қуръони Карим оятлари ёзилган мрамор тош бўлаклари ҳозиргача сақланган. Энди хонақоннинг қурилишига келсак, у тахминан 15—20 йил ичида қуриб битказилган. Хонақон уч томонининг ташқи кўрениши кунгурадор қилиб безатилган қурилмадан иборат. Бинонинг умумий кўренишида баланд гумбаз ажралиб туради. У бино тоmidан тахминан 9 метр кўтарилган бўлиб, гумбаз деворлари орасида бўшлиқ жой қолдирилган. Бу иссиқ, совуқ вақтларда бир хил ҳарорат бўлиши учун шундай қилинган бўлса ажаб эмас. Гумбазнинг ташқи томони кўк ғиштчалар билан қопланган. Ундан пастда нилуфарий ранг билан куфий усулда Қуръони Карим оятларидан намуналар ёзилган. Хонақоннинг ичида 7 та хона бўлиб, ўртада катта зал, кун ботиш тарафда меҳроб ўрнатилган. Бинонинг баландлиги ва катталиги ҳисобга олиниб, унинг тўрт бурчагида зилзилалар пайти бардошликни ошириш мақсадида суяб турувчи 4 та хона қурилган. Бинонинг ичи ганч билан қопланиб, унга енгил безак берилган. XVI асрда яшаган бухоролик намаълум устанинг чизмаларида Қосим Шайх хонақосининг монументал плани топилган. Худди шунга ўхшаш бинолар— Ромитанда Мулло Мир, Бухорода Нодира Девон Беги мадрасалари ҳам бор.



## АМИР АБДУЛАҲАД ДАҲМАСИ

Амир Абдулаҳад даҳмаси Қосим Шайх хонақосининг Жанубий-Ғарб томонида жойлашган.

Амир Абдулаҳад асли манғитлардан бўлиб, Амир Музаффархоннинг ўгли. Шу ўринда Амир Абдулаҳадхон тўғрисида қисқача маълумот бермоқчимиз.

У 1859 йил 16 мартда Бухорода туғилган, ота-болари, авлод-аждодлари Музаффархон, Насруллохон, Баҳодирхонлар Қармана ва Миёнколда ҳокимлик қилганлар.

Аҳадхон аввал Қармана вилоятининг ҳокими, сўнг 1885—1910 йиллар Бухоро Амири бўлган. Амирлик даврида Бухоронинг Россия билан алоқаси бирмунча ривожланган. У ўз армиясини сон жиҳатдан қисқартириб, қўшинга таълим бериш учун рус ҳарбий мутахассисларини жалб этган. Амир Аҳадхонга Рус императори генерал-адъютант унвонини берган. Аҳадхон даврида Каттақўрғондан (1882) Қармана орқали телеграф сими ўтказилган, ундан ташқари Чоржўйни Самарқанд билан боғловчи темир йўл қурилган. Амир Аҳадхон 1910 йил 6 январда Зиёвуддин яқинидаги Хайробод боғида вафот этган. Унинг вафотидан сўнг валиаҳд сифатида Амир Олимхон тахтга ўтириб, отасининг ҳокими Қосим Шайх хонақоси ёнига дафн этилади. Шу йили Аҳадхон қабри атрофида қурилиш ишлари олиб борилиб катта зиёратхона барпо этилади. Зиёратхонанинг Шимолий ва Шарқий қисмида ҳужралар қурилган бўлиб, ҳовли ўртасига Аҳадхоннинг сағанаси ўрнатилган. Унинг баландлиги 2 метр, квадрат шаклида қурилган, томонлар ўлчови 3×3 метрдир. Сағана устига, ташқи томонига мрамар ва гранит тошлари қопланиб сайқалланган. Сағананинг Шимолий томонидаги деворида эски араб имлосида ёзувлар бор. Тошларнинг емирлиши, туз қоплаши натижасида ёзувларни ўқишнинг иложи йўқ.

Қосим Шайх меъморчилик комплексини таъмирлаш устaxonаси муҳандиси Олим Пулатовнинг гувоҳлик беришича, 1984 йили археологлар томонидан Аҳадхон қабри очилган. Сағана очилган, унда Аҳадхон жасади йўқлигидан ҳайрон қолишган, фақат жасаднинг оёқ ва қўл бармоқларидаги кичик суякчаларгина қолганлигини кўришган. Шундан сўнг синчиклаб сағана деворлари текширилганда у олдин ҳам бир марта очилгани аниқ бўлган. Тупроқ қатламлари ўрганилиб, қабр биринчи



марта 1942—1943 йилларда счилган ва ундаги Аҳадхон суяклари йиғиб олиб кетилган деган хулосага келинган. Лекин бу ишлар кимлар томонидан, нима сабабдан амалга оширилгани номаълум. Лекин бари бир Аҳадхон қабри, у қўйилган жой тарихда Қармана бўлиб қолади. Зероки зиёратхонага кирадиган чиройли кошникор дарвозасига сангтарош Мулла Абдурахим Ғазвоний томонидан тошга ўйиб ёзилган ҳадисона марсия фикримизнинг далилидир.

## МИРЗО ЧОРБОҒ

Амир Абдулаҳадхон даврида Қарманда кўплаб чорбоғ ва саройлар барпо этилган. Чунончи Аҳадхоннинг Асқаробод, Чармгар чорбоғ, Жар чорбоғ, Гул чорбоғ, Боғнолчин, Хайробод ва Мирзо чорбоғ саройлари шулар жумласидандир.

Мирзо чорбоғ саройлар ичида ўзининг гўзаллиги, ҳайратомуз меъморчилиги, нафис ганчкори нақшлари билан ажралиб турарди. Юқорида айтганимиздек «Мирзо чорбоғ» саройи Амир Аҳадхоннинг топшириғи билан Зарафшон дарёси соҳилидаги сўлим боғ ўртасида (ҳозирги Қодир Раҳимов номли жамоа хўжалиги 6-бригадасида, эски уруғчилик заводи жойлашган ерда) тахминан 1900—1905 йилларда қурилган. Сарой мураккаб меъморчилик услубида ишланган бўлиб, лойиҳаси Амирнинг машҳур архитектори Хўжа Абдурахим томонидан тайёрланган.

«Мирзо чорбоғ» саройи қурилишига ўша вақтда ном чиқарган ганчкор уста Ширин Муродов иштирок этган ва бевосита раҳбарлик қилган. Фикримизга далил сифатида Л. И. Ремпельнинг «Бухоро ёзувлари» китобидан қуйидаги парчани келтирамиз:

«Уста Ширин Сарбоз сифатида олиб келиниб саройлар тиклашга сафарбар этилди. У Қарманда 15 йил давомида Асқаробод, Чармгар чорбоғ, Гул чорбоғ, Боғнолчин, Жар чорбоғ, Мирзо чорбоғларни қуриш, безаш ишларида ишлади. Айниқса, Мирзо чорбоғни қуришда кўп қийналди. Қаҳратон қишда, қўллари лой билан бирга музлайдиган даврда бу бинони тиклади, ҳатто бир умрга бармоқларини совуққа олди» («Бухоро ёзувлари», Т., 1981 й., 280-бет).

Мирзо чорбоғни тиклашда карманалик Уста Султон Қори, Нажжор Тўра, Уста Дўст, Уста Латиф иштирок этган. Бу кишиларни кўрган-билганларнинг эслашича

сарой қурилишида мингга яқин усталар жалб этилган. Сарой асосан ёғоч ва гиштдан (чўпқори) тикланган бўлиб, бино қурилиши жиҳатидан иккига бўлинган. Биринчиси 6×20 метр узунликда, II метр баландликдаги бинодир. Бу бино 2 хонадан иборат даҳлиз ва 15 болорли меҳмонхонадан ташкил топган. Даҳлизнинг тепа қисмида болохона бўлган. Ҳар иккала хонанинг ички қисми нафис ўймакорлик ва нақшкорлик санъатининг ғоят гўзал, ноёб услублари билан безатилган. Девор ва ёғоч устунларга ўйиб ишланган бетакрор нақшлар бинога кирган кишини дол қолдирган. Меҳмонхона тўрида катта ёйсимон меҳроб тикланган бўлиб, унинг икки томонида равоқ қурилган. Худди шундай равоқчалар бинонинг Шимолий ва Жанубий деворлари юқори қисмида ҳам тўрттадан маҳорат билан ишланганки, улар бино ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Шуниси эътиборга моликки, бинонинг 8 та деразаси ясалиш жиҳатидан шарқона қолипдан чиқиб, ғарбона (Европа) усулда қурилган, яъни деразанинг тепа қисми қасқонсимон усулда ишланган. Бинонинг 2 эшиги орқали Шимолий томонидан даҳлизга кирилган. Эшиклар ёғоч ўймакорлигининг нодир намуналари ҳисобланган. Амир меҳмонхонасининг Ғарбий томонида яна бир ўн хонали бино бор. У архитектураси жиҳатидан содда кўринишли, ғоят ҳайратомуз геометрик шаклда қурилган. Бино пойдевори япалоқ пишиқ гиштдан, энига эса ўша гиштдан бир метрли қилиб 25 қатор ёт-қизилган, 26-қатори тиккасига терилган, бунда албатта бинонинг зилзилага бардошлиги кўзда тутилгандир. Бинонинг қурилиши анча мураккаб. Синч ва заваравларнинг кўп бурчак шаклида қўйилганлиги, унда ҳоваларнинг кўринмаслиги ўзига хос усталик билан қурилганини кўрсатади. Бизнингча, айрим синч ва заваравларнинг хона ўлчовидан чиқиб туриши ва бинонинг икки чеккасидаги тўртбурчакли хоналар хова вазифасини бажарса ажаб эмас. Бино хоналарининг ичи ҳам шарқона усулда безатилган бўлган. Ҳовли юзасидаги супа четида гиштпарчин қилиб терилган 9—12 метрли қудуқ бор эди. Унинг суви булоқ сувидек ширин ва тоза бўлган. Ҳозирда минг афсуски «Мирзо чорбоғ» саройи хароба ва ташландиқ ҳолига келиб қолган. Чорбоғ йўқолиб, қудуқ кўмилиб, сарой бузилиб, хуллас шундай бир бой тарихий меросимиз батамом йўқолиш арафасида. Ҳолбуки бино тез



орада тўлиқ таъмирланса, ҳали ҳам карманаликлар учун гавжум қадамжолардан бири бўлиши мумкин.

## ТОШ ҲАММОМ

Қадимий ёдгорликлар типига Карманада ҳам Тош ҳаммом қурилган. У ҳозирги Деҳқон бозорининг Фарбий дарвозаси ўрнида ёки эски Арк қўрғонидаги Самарқанд дарвозасидан тахминан (ҳозирги «Шарқ» ресторани) 70—100 метр Жануб томонда бўлган. Кармана Тош ҳаммоми қачон, ким томонидан қурилгани номаълум. Лекин бизнинг фикримизча ҳаммом Абдуллахон даври (XVI аср)да қурилган бўлса керак. Айрим манбаларда XVI аср дейилган. Ҳаммомнинг узунлиги 9—11 метр, эни 5—6 метр атрофида бўлиб, устки қисми гумбазлар билан қопланган. Ҳаммом ичи 4 хонага бўлиниб, ечишиш, ювишиш ва иссиқхоналардан ташкил топган. Ҳаммомнинг Шарқий ёнбошида иккита ҳовуз қилиниб, иссиқ ва совуқ сувлар қувур орқали ичкарига оқизилган. Ҳаммом юзаси тош билан қопланиб, остидан қиздирадиган гулаҳ ҳовузлар ёнида эди. Ҳаммомдан чиққан сувлар тошювлар орқали қувур билан махсус мўлжалланган қудуққа тушган, қудуқ жуда усталик ва ҳисоб-китоб билан қилинганки, у ҳеч вақт чиқит сувларни ён атрофга сизиб чиқишига йўл қўймаган. Ҳаммом соатига 20—25 киши кириш қувватига эга бўлиб, эркак ва аёллар махсус белгиланган кунларда навбат билан фойдаланишган. Минг афсуски, бу тош ҳаммом ҳам 1967-68 йилларда лоқайдлик ва эътиборсизлик қурбони бўлди.

## ТЕМИР ШАЙХ ҚАДАМЖОСИ

Темир шайх қадамжоси Карманадан 5—6 километр Фарбда жойлашган. Ривоятларга қараганда Темир шайх Қосим шайхнинг авлодидан ҳисобланиб, қарийб бир даврда яшаган. У эл ўртасида ўзининг авлиёлиги ва шайхлиги билан бирга, зукко табиб сифатида ҳам ном чиқарган. Кармана атрофидаги аҳолини турли касалликлардан даволаган. Ҳатто ўлгандан сўнг ҳам унинг қабр-сағанаси остидан тупроқда шифобахш хусусият пайдо бўлган дейдилар. Мисол тариқасида темиратки касаллигига чалинган беморни шу қабр атрофидаги тупроқдан касал жойинга суртилса шифо топ-



ган, ҳозирги пайтда ҳам одамлар ушбу зиёратгоҳдан даъво топиб келмоқдалар.

Темир шайх мақбараси ғоят илоҳийлаштирилган. Унинг тепасида туғ кўтарилиб, унга одам қўли ва бармоқлари тасвирланган «темир қўл» ўрнатилган. Бу «қўл» рамзий маънода бўлиб, инсонларга; ким бўлсанг ҳам, қанча яшасанг ҳам охири шу жойга очиқ қўл билан келасан, топган-тутганинг у ёқда қолади, деган маънони англатса, иккинчи бир афсонада, кимки шу авлиёга шак келтирса, худо уни шу қўл билан уради, дейилади.

Бундан ташқари Темир шайх мақбарасининг Жанубий томонида муҳташам қурилган мачит бўлган. Уни 1890 йилларда Уста Жўра Қўлдошев қурган. Мачитнинг бўйи 10, эни эса 7—8 метр, атрофида айвон бўлиб, эски усулда нақш ва гуллар билан безатилган. Мачитдан шарқроқда 7 та ҳужра қилиниб, уларда муллаболалар таҳсил олишган.

1960 йил Навоий ГРЭСи қурилиши муносабати билан ўша ердаги мазор ва мачит бузилиб кетган. Ҳозир Темир шайх сағанаси ва мазорнинг бир қисми сақланиб қолган, холос.

## АМИР ҚАРОРГОҲИ

Карманадаги гўзал ва муҳташам меъморчилик ёдгорликларидан яна бири Чармгар чорбоғдаги Амир қароргоҳидир. У Навоий тумани автовокзалининг Шимолий, ҳозирги Ҳунар-техника билим юрти ҳовлиси саҳнининг Шимолий-Ғарб томонларида бўлган. Ушбу бишонинг ўрни танланишида ҳам алоҳида бир хислат бор. Чорбоғнинг Шимолий томонидан Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Шамол дарё устидаги мусаффо, салқин ҳавони тўғри шу боғга олиб келади. Шу сабабли Чармгар чорбоғ жуда ҳам сўлим, мевалари ширин боғ бўлган.

Азиз ўқувчи шу ўринда эътиборингизни бир лаҳза Амир қароргоҳидан четга тортиб, машҳур уста билан боғлиқ бир ҳангомани ҳикоя қилмоқчимиз.

1902 йили Бухорода кўзга кўринган савдогар бойлардан бири Абдуқодирбой ўзига янги иморат қурдириш ҳаракатига тушади. Иморат учун у эндигина Бухорода танилиб келаётган истеъдодли Уста Ширинни танлайди, Бой уста билан бўлажак иморат тўғрисида суҳбатлашиб, унга Бухорода чиройли ва кўркем иморат

қуришни илтимос қилади. Уста Ширин уй қуришни ўз зиммасига олгач, бир ҳафта мобайнида ўтириб, бўлажак иморат лойиҳасини чизади. Ўзига бир армани ва икки ўзбек қурувчини ёрдамчи қилиб олиб, ишни бошлаб юборади. Кузга бориб Жуйбар гузарига жуда гўзал мухташам бино барпо этилади.

Уста Ширин Абдуқодирбойнинг кимлигини билар эди. Шу билан бирга Бухоро амири Абдулаҳадхонни ҳам ранжитиб қўймасликни тушиниб етди. У шундай қаср қурдики, кўриниши, салобати, гўзаллиги, нақш-корлиги билан бир қанча иморатлардан устун эди. Бу билан Уста Шириннинг доврўғи бутун Бухорога тарқалиб, Амир Аҳадхонгача бориб етади. Шу кундан бошлаб Амир Уста Ширинни ўз даргоҳига усталикка олишни мақсад қилди. Тақдирни қарангки, Абдуқодирбойнинг уйи битганлиги шарафига берилган катта зиёфатда Уста Ширин узум мусалласидан ичиб қўлга тушади ва шарият қонунини бузганликда айбланиб, бир умрлик муддатга зиндонга ташланади. Бундай олиб қараганда, Абдулаҳадхон шу тақлидда Уста Ширинга эришишни истамаган эди, лекин иккинчи томондан шарият қонунларини ҳам ўта ҳурмат қиларди. Шунинг учун қўли гул устанинг зиндонда ётганлиги ўзига ҳам ёқмас эди. Савдогар Абдуқодирбой ўзининг севимли устаси унинг зиёфатидан сўнг зиндонбанд этилганидан жуда хафа бўлди. Яхшиликка — яхшилик қилиш мақсадида Уста Ширинни қутқозиш чораларини излай бошлади. Абдуқодирбой Бухородаги энг катта савдогарлардан эди. Унинг ҳатто Оврупа мамлакатларида ҳам савдо дўконлари бўлган. Лекин Карманада турган амирга юрак ютиб Уста Ширин тўғрисида гап айта олмас эди. Шу сабабли бой амирнинг катта хотини Эшонийимни қўлга олди. Унга бриллиант тошлари билан ишланган олтин узук совға қилиб, Уста Ширинни зиндондан чиқаришни илтимос қилиб сўради. Эшонийим ҳам ўта ҳушёр ва ишбилармон аёл эди. Кўпинча эрининг Карманалигидан фойдаланиб, амирлик ишларини ҳам ҳал қиларди. Абдуқодирбойни кузатиб қайтгач, узукка қараса бир неча йил олдин ўзи шаҳар қозисига пора сифатида берган узуги яна қайтиб келибди. Бундан жуда хурсанд бўлиб, кейинги кун эрига Уста Шириннинг зиндондан чиқариш зарурлигини тушунтириб, уни сарбозликка олишни таклиф қилади. Шундай қилиб Уста Ширин зиндондан чиқарилиб, Кар-



манага сарбоз сифатида юборилади. Уста Ширин Қарманда 15 йил ишлайди ва бир қатор сарой ва чорбоғлар бунёд этади. Боғиолчи, Гул чорбоғ Жар чорбоғ ва Чармгар чорбоғ Уста Шириннинг истеъдоди, моҳирлиги, санъаткорона нақшлари билан бутун Шарқда машҳур бўлди.

Энди асосий мавзуга қайтайлик.

Чармгар чорбоғдаги Амир қароргоҳи Уста Ширин Муродов қурган бинолардан биридир. Ушбу бино тахминан 1902-05 йилларда тикланган, у 5—6 хонадан иборат бўлиб, атрофи пешайвонлар билан ўралган. Афсуски, бино ҳозирги пайтда йўқ. У 80-йиллар бошида Ҳунар-техника билим юрти спорт майдончасига ҳалақит қилганлиги учун бузиб юборилган. Бинонинг айрим устунлари Қосим шайх хонақоси ҳовлисида ётибди. Шу ўринда Қарманда кўнчиликка номаълум бўлган Абдуллахон уйи тўғрисида қисқача маълумот беришни лозим топдик.

Абдуллахон уйи Чармгар чорбоғдаги Амир қароргоҳининг Ғарбий тарафида бўлган. Бино Абдуллахон хонлиги даврида, яъни XVI асрнинг бошларида қурилган бўлиб, кўриниши жиҳатидан кўпбурчакли, муҳташам икки қаватли қилиб бунёд этилган. Абдуллахон уйи қурилиши, меъморчилик услублари ва безатилиши жиҳатидан Мирзо чорбоғ, Чармгар чорбоғ, Гул чорбоғдаги саройларга намуна бўлган. Қарманлик кекса кишиларнинг эслашича, бино ичи жуда чиройли нақшлар билан безатилиб, атрофи девор билан ўралган. Ҳовли ичида тош ҳовуз бўлган. Абдуллахон уйини неча хонали эканлиги, уни қайси усталар қурганлиги тўғрисида ҳеч бир маълумот сақланмаган. Тахминан 1955—1956 йилларда уй номаълум сабаблар билан бузилган.

## ГУЛ ЧОРБОҒ

Гул чорбоғ Қармана шаҳрининг ҳозирги Шарқий чегарасидаги «Қибальчиш» кашшэфлар оромгоҳи ўрнида қурилган. Гул чорбоғ саройи Аҳадхон ташаббуси билан 1895—1905 йилларда қурилган, деб тахмин қилинади. Унинг майдони тахминан 3 гектарча бўлиб, атрофи етти пахсали баланд девор билан ўралган. Боғнинг тўрт томонида тўртта дарвоза қурилиб, боғ ичида турли хилдаги мевали ва манзарали дарахтлар, чиройли гуллар ўтқазилган. Гул чорбоғ яқинида яшовчи кек-



са бир кишининг айтишича, сарой атрофидаги барча анвой гуллар дунёнинг кўпгина мамлакатларида олиб келтирилган экан. Боғ ўртасидаги саройда Амир дам оладиган, нуфузли меҳмонларни кутадиган хоналар бўлган. Сарой биноси худди Мирзо чорбоғ, Чармгар чорбоғдаги саройлар каби безатилган. Боғнинг турли жойларида етти та ҳовуз қилиниб, ҳовузлар атрофи ҳам гулзор билан ўралган. Шу сабабли ҳам сарой ва боғ «Гул чорбоғ» деб аталгандир. Яна афсус билан айтишга тўғри келади, боғдан ҳозир ном-нишон қолмаган.

### КАРМАНА ҲУДУДИДАГИ ТЕПАЛАР, МАСЖИДЛАР ВА МАШҲУР ЖОЙЛАР

Туманимизда аслида тарихий ёдгорликлар сирасига кирадиган ўн бешга яқин тепа бўлган. Масалан, Ҳазорада «Динчак тепа», Ибн Сино номли жамоа хўжалигида «Туркман тепа», Қ. Раҳимов номли жамоа хўжалигидаги «Хўжа Қавола тепа», Варқдаги «Худойқул тепа», Мирзо чорбоғнинг Шимолий Фарбида «Иўталмозор тепа», Жалойирда «Жалойир тепа», «Буг тепа», «Дархон тепа», «Тавон тепа», «Туячи тепа», «Оқ тепа», «Нарпай» жамоа хўжалигида «Шебзон тепа», «Қарвон тепа» борлиги аниқланган.

Яна афсус билан қайд этиш керакки, сўнгги 40—50 йил ичида мазкур тепаларнинг деярли барчаси лоқайдлик, бепарволик оқибатида хароба аҳволга келтирилди ва турли кўрсатмалар, баҳоналар билан бузиб, текислаб юборилди. Шулардан «Хўжа Қавола тепа»си 1956 йилда «Иўталмозор тепа» эса 1970 йил бешинида текисланган. Фақат «Маданият» жамоа хўжалигидаги «Яси тепа» усти обод қилиниб, чойхона ва дала шийпони қурилган холос.

Энди икки оғиз масжидлар ҳақида. Карманадаги масжидлар асосан йирик қишлоқлар ўртасида ёки бир неча қишлоқ ва гузарларни туташтириб турувчи жойларда қурилган. Ана шундай масжидлардан ўнга яқинини аниқладик. Масалан, «Қуйи Ҳаловат», «Почо Искандар», «Бешкент», «Дўрмон», «Бугтепа», «Жалойир», «Хўжа Хисрав», «Баҳрин», «Қизилтом», «Чор работ», «Темир шайх», «Мир Саид Баҳром» сингари масжидларнинг аксарияти бузилиб кетган. Мустақиллик шарофати билан айримлари қайта таъмирланган.

Кармананинг машҳур жойлари тўғрисида ёзар экан-

миз, шу водийнинг «Малик чўл», «Зиёвуддин» тоғларидаги «Тирик бобо», «Сангбур», «Сариқ» ва «Оқтош» даралари, «Гал-гал», «Майизэк», «Шўрқудуқ», «Бичамчи», «Сопи», «Хотин ётди» каби тоғ олди яйловлари тўғрисида ҳам қисқача фикр юритишни лозим топдик.

## САНГБУР МУЪЖИЗАСИ

«Сангбур» сўзи форс-тожик тилидан олинган бўлиб, «Санг» — *тош*, «бур» — *кесувчи* маъносини билдиради. Сангбур адирлиги Карман шаҳридан тахминан 11—13 километр Жануб томонида жойлашган. Адирлик ўртасидан Шимолга қараб бир вақтлар Сангбур сойи доим оқиб турган. Ҳозир ёнигарчилик кўп бўлган мавсумларда Сангбур сой яна жошланади. Сангбур адирликларидаги катта майдоннинг юзаси қизғиш тупроқ билан қопланган. 1—2 метр қалинликдаги тупроқ остида гранит тошлари қатлами бор.

Гранит халқ хўжалигида, қурилишда, ҳайкалтарошликда ишлатилади. Бу тошни маҳаллий халқ «Қунжуттош» дейди. Ундан тегирмон тоши тайёрланади. Бу тош тўғрисида турли афсоналар ҳам тўқилган. Масалан: Инсон «Қунжуттошни» ахтариб тоғу тошларни кезди, ҳеч қаердан тополмагач, чарчаб-ҳориб кимсасиз тошлар орасида ухлаб қолади-ю, тушида гўзал қийинки кўради. Қийин тилга кириб: «Э, Оллоҳ таолонинг қудрати билан яратилган инсон. Урнингдан тур. Оллоҳ сенинг хайрли иш учун машаққат тортганингни кўриб турибди. Сен ахтарган тош сенинг тақдиринг билан бирга фалон жойда яратилган» деб ғойиб бўлибди. Инсон уйғониб қийин айтган жойни бориб қовласа, ҳақиқатан ҳам «Қунжуттош» бор экан.

Ёки бошқа бир афсонада Сангбурда тегирмон тоши борлигини Аҳжохизир бобомиз одамларга кўрсатиб кетганимиш. Қунжуттошдан ҳам дастлаб қўл билан айлантириладиган яғирчоқ ясалган, кейинчалик бу соҳаривожланиб, уй-ҳайвонлари ёрдамида каш-кашни кашф этилган. Ундан сўнг табиат кучларидан фойдаланиш натижасида сув кучи билан айланадиган тегирмон яратилган.

Ҳақиқатан Сангбур сойининг ҳар икки томонида ҳам тегирмон тоши қазиб олинган майдонлар мавжуд. Сангбурда тахминан 400×400 метр майдонда қазилган ай-



рим конларнинг чуқурлиги 7—8 метргача боради. Ҳозир эски конларда тайёрлаш пайти синган, чала қолган кўп-лаб тегирмон тошларини учрагиш мумкин. Бироқ бу яқин атрофларда бундай «Кунжуттош» конлари йўқ.

Сангбур сойдан Шарқ томонида тахминан 1—2 км. масофада бир неча жойда эски уйлар қолдиқлари бор. Сойга яқин жойда кўмилиб кетган ҳовуз ўрни ҳам биллиб турибди. Ҳовуздан 200—300 метр шимолроқдаги тепага чиққанимизда қазилган чуқур атрофида кўп-лаб ҳар хил сапол парчалари сонилиб ётганини кўрдик. Ундан ташқари қазилган чуқурда 40—50 метр ғарброқда ишлов берилган цилиндрсимон тошларини ҳам топдик. Сопол буюмлар бўлақларига қараб қадимда бу ерда йирик пункти бўлгандир, деб тахмин қилиш мумкин. У ердаги сопол парчалари орасидан бирортаси ҳам рангларга бўялмаган, ҳатто сирланмаган. Агар миллий кулолчилик санъатида XIV асрдаёқ сопол идишларга сир берила бошланганлигини ҳисобга олсак, Сангбурда одамлар балким жуда қадим замонлардан яшашгандир. Масалан, Қодир Раҳимов жамоа хўжалигида кекса сангтарош Маҳмуд Эшоновнинг айтишича унинг отаси Сангбурда яшаган, одамларга 1915-20 йилларда яғирчоқ тоши ясаб берган экан. Бизнингча, Сангбурда яшаган аҳоли асосан деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланган. Шунингдек Сангбурда кулолчилик ишлари ҳам ривожланган, деб айтиш мумкин. Умуман олганда Сангбурни сичковлак билан кезиб чиққан киши бу жойлар минг йиллик тарихга эга эканлигини ҳис қилади. Бизнинг асримизга келиб турли сабабларга кўра Сангбурда яшаган аҳоли ҳар томонга тарқалиб кетди. Улар кетиши билан сой суви ҳам қуриди, иморатлар вайрон бўлди, экин майдонлари харобага айланди. Ҳозир Сангбурга борган киши у ер-бу ерда тош йўнаётган кишиларни учратиши мумкин.

Тош йўнувчи машҳур усталардан Мулло Шер (тахминан 1840 йилларда яшаган), Уста Муртазо (1875 йиллар), Муртазоев Эшон (1907—1984 й.). Рўзи тоғчи, Ҳақберди Полвон, Тош Бозоров, Намоз Узоқов, Маҳмуд Эшонов, Маҳмуд Аминжоновларни Қармана ва унинг атрофларида яхши билишди. Улар ясаган тегирмон, каш-каш ва яғирчоқ тошларини Ўзбекистоннинг аксарият жойларига сотиб олиб кетишган. Тош йўниш касби жуда машаққатли ва оғир бўлиб, устандан мустаҳкам ирода, кўп куч ва меҳнат талаб қилади. Уста



бир йилда ўртача 3—4 та тегармон тоши, 5—6 та кашкаш ёки 13—14 та яғирчоқ тоши тайёрлаши мумкин.

Тош йўнишда асосан метин, санкан деб номланадиган пўлатдан ясалган болғасимой асбоблар ишлатилади.

Бугунги кунда Сангбур адирлигининг кўп қисмини Навоий шаҳри корхоналари экологик жиҳатдан хароб этмоқда. Мақсадимиз Сангбурни асраш, уни муҳофаза қилиш, табиий веъматларини келажак авлодларга етказиш учун курашмоғимиз, жамоатчилик диққатини шу муҳим ишга қаратмоғимиз даркор.

## ГАЛ-ГАЛ ЯЙЛОВИ

Гал-гал яйлови Қарманадан 15—20 километр Жанубда—Навоий—Ўртачўл автойўлининг чап томонида жойлашган. Ушбу ясси текислик Шимолдан—Жанубга қараб 6—7 км. Ғарбдан—Шарққа қараб 4—5 километр масофада ястаниб ётибди. Яйловда асосан чорва моллари боқилади. Унда шuvoқ, янтоқ, шўра, исирик, лoлақизғалдоқ, ялтирбош каби ўсимликлар кўпроқ ўсади. Каклик, чумчуқ, булдуруқ каби қушлар, турли илонлар, эчкиэмар, қуён ва бошқа ҳайвонлар яшайди.

Яйлов номи тўғрисида турли афсоналар тўқилган. «Гал-гал» сўзи туркманча бўлиб, «кел-кел» маъносини билдиради. Ундан ташқари ўзбек тилида «гал-гал» «галма-гал», «навбатма-навбат» маъносиди бўлиши ҳам мумкин.

## ЯРМАЧИ

Ярмачи яйлов массиви Зарафшон тоғ тизмалари туғаш жойидаги Чингиз тоғининг Жанубий томонида, Навоий—Ўртачўл йўлининг икки томонида ястаниб ётибди. Умумий майдони тахминан 1500 гектарни ташкил этади. Қўй-қўзилар учун фойдали бўлган шuvoқ, ялтирбош, қўрғошин гул, қизғалдоқ, бодомча, каррак каби ўсимликлар кенг тарқалган. Ҳайвонлардан тулки, қуён, баъзан кийик учрайди. Қалхат, булдуруқ, каклик, қорабағир, чумчуқ сингари қушлар яшайди. «Ярмачи» сўзининг маъносига келсак, кекса чўпонларнинг айтишича, тупроғи қирчатошли, ярмасимон бўлгани учун шундай деб номланар эмиш. Ҳақиқатан ҳам Ярмачи сойлигида майдаланган тошлар эзгиндиси аниқ кўри-

нади, балки «ярмачи» дейилишига шу нарса сабаб бўлгандир.

## МАЙИЗАК

Майизак адирлиги Ярмачидан Шимол томонда — Тирик бобонинг Фарбий қисмида жойлашган. Адирликнинг ўртасидан сой оқиб ўтади. Адирликнинг асосий қисми тоғнинг Шимолий ён бағрида жойлашгани учун йилнинг кўп фасларида ҳаво ҳарорати унчалик иссиқ бўлмайди. Ёгин-сочини нисбатан кўп тушганлиги сабабдан Майизакда ўсимликлар қалин бўлиб, айниқса шувоқ, каррак, майса, ялтирбош, қизгалдоқ кўп ўсади. Майизак ўсимликлари майсаса ширин бўлганлиги учун озуқабоп ҳисобланади. Бир афсонада айтилишича, Алининг Дул-дул лақабли оти ғазовотдан олдин ҳамisha майизакда ўтлаган. Майизакнинг майсаси хушхўрлигидан Дул-дул ўтдан бош кўтармас экан. Бир гал Ҳазрати Али отини чақирганда Дул-дул кечикиб боради. Бундан ранжиган Али отдан кечикиш сабабини сўрайди. Шунда Дул-дул тилга кириб: «Майизак майсаси ширин экан, бош кўтаролмай қолибман», дейди. Буни эшитган Ҳазрати Али Жаброилдан Майизакни тўнтариб, ўсимликларни пастга туширишни илтимос қилади. Эмишки, ўша мазали ўтлар ҳозир Майизак ери бағрида майиз бўлиб ётганмиш.

«Майизак» сўзининг маъноси ҳақида бошқа бир афсона ҳам юради. Айтишларича, Майизак сойининг қирғоқларида жуда кўп тут дарахтлари бўлган экан. Ёзда қурғоқчилик даври бошланиб, сой суви қурнган пайтда роса пишган тутлар сойга тўкилиб, тут майизга айланган. Сойдан ўтган кишилар майизли сойни кўриб, шу номни беришган дейишади.

Ҳозир ҳам Майизак гўзал табиати, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ранг-баранглиги билан Кармана атрофидаги сўлим гўшалардан бири ҳисобланади.

## ТИРИК БОБО

Зарафшон тоғ тизмаларининг Фарбий қисмида «Тирик бобо тоғи» деб аталадиган тоғ чўққиси — Кармана, Навоий шаҳарлари Жанубидаги баланд чўққилардан бири ҳисобланади. Ушбу чўққи Навоий-Уртачўл автойўлининг Шимолий—Фарб томонида қад кўтарган бў-



либ, Навоний шаҳридан тахминан 15—18 километр узоқликда жойлашган. Баландлиги денгиз сатҳидан тахминан 850—950 метрча келади. Уни Шарқда «Чодир», Жанубда «Тўритоғ» яйловлари ўраб туради. Тирик бобо Кармана атрофидаги энг йирик қўй боқиладиган яйловлардан бири ҳисобланади.

Тирик бобо тўғрисида турли афсона ва ривоятлар тарқалган. Тирик бобо тоғнинг тепа қисмида табиий ҳолда барпо бўлган тош мачит бор. Тоғдан ўтган сайёҳ, савдогар, чўпонлар ушбу мачитда тиловат қилишган. Мачит ичкарисида тошдан ясалган чуқурча бўлиб, эмишки агар ҳалол, покиза киши шу чуқурчага қўлини тикса ризқ-рўз рамзи бўлган пичоқ илинар экан. Ҳаром-ҳариш ва нопок йўлларга юрган кимсанинг қўлига қўнғизлар илиниб чиқармиш.

Тирик бобонинг машҳур бўлишига, балки юқори қисмида жойлашган кичик ғор ҳам сабабчидир. Бу ғор қудуқсимон шахта шаклида бўлиб, асосан оҳақ тошларидан ташкил топган. Тирик бобонинг юзасида пастбаланд қирлар мавжуд бўлган. Қирлар сув ўтказувчи оҳақ тошли жинслардан ташкил топган. Ер остидан ўтувчи сизот сувлар ана шу жинсларни эритиб, ғор пайдо қилган.

Яна бир афсонада айтилишича, ғор ичи жуда кенг ва узун бўлиб, иймонли киши ғорга кирса, барча тўсиқлар очилиб, Зеб-зийнат ва фаровонлик мўл бўлган жойга йўл очилармиш. Агар ғорга диёнатсиз, ғаразгўй одам кирса, ғор йўлаги дарҳол тўсилиб тош девор пайдо бўлармиш.

Бошқа бир ривоятда тоғнинг ясси қисмида нуроний бир киши деҳқончилик қилиб кун кечираркан. У ноҳақлик ва иймонсизликни жуда ёмон кўрар экан. Кунларнинг бирида чол омоч билан ер ҳайдаб турса, узоқдан бир тўда иймонсиз қароқчилар кела бошлаган. Уларга йўлиқишни катта гуноҳ деб билган чол худога чин дилдан илтижо қилган. Худо ҳам уни ҳўкизи ва омочи билан бирга тошга айлантирганмиш. Ушандан бери ана шу омоч ушлаган чол тасвиридаги тош «Тирик бобо», деб аталади.

«Тирик бобо» атрофларида шувоқ, черказ, ялтирбош, исмалоқ, бодомча каби ўсимликлар, юмалоқбош, калтакесак, эчкимар, теккон, агама, тошбақа, илон сингари судралиб юрувчилар, жайра, қуён, типратикон, тулки яшайди, баъзан алқор, кийик, бўри учрайди.

Калхат бургут, каклик, кўк қарға, бағри қора каби қушлар бор.

Шунингдек, Қармана шаҳри Жанубида юқорида айтилган яйлов ва тоғ олди адирларидан ташқари Сариктош, Оқтош, Кориз, Сувқайли деб аталадиган жойлар ҳам бор. Улар ҳар бири ўз табиий ўрни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан бир-биридан фарқ қилади.

## ҚИШЛОҚЛАР НОМИНИНГ СИРИ

Қармана атрофидаги қишлоқларнинг номлари минг йиллик тарихга эга. Улар халқларнинг уруғларига, касб-корларига ва жойнинг географик ўрнига қараб номланган. Қуйида айрим қишлоқларнинг номлари ҳақида изоҳ бериб ўтамиз.

**АЙРОНЧИ.** Найманларнинг Айрончи деган уруғи номидан олинган. Найманлар асосан ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар, қирғизлар, нўғайлар ва бошқа уруғларни ўз ичига олган. Ҳозир бу қишлоқ Қ. Раҳимов номли жамоа хўжалигининг 11—12-бригадалари чегарасида жойлашган.

**АРҒИН.** Мовароуннаҳрда ва асосан Амударё бўйларида қадимдан истиқомат қилиб келган туркий қабилани номи. Арғин қишлоғи Қармананинг Жанубий-Ғарбий томонида жойлашган.

**БАҲРИН.** Турклашган мўғул қабилаларидан бирининг номи Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Дашти қипчоқдан келиб ўрнашган. XVIII—XIX асрларда Зарафшон, Тошкент, Фарғона водийсида ўтроқлашган. Баҳрин Ибн Сино номли жамоа хўжалигининг бир қанча бригадаларини қамраб олган.

**ВАРҶ.** Сўғд тилида «тўғон» деган маънони англатади. Қ. Раҳимов номли жамоа хўжалиги 1-бригадаси ҳудудидаги қишлоқ. Ҳақиқатан ҳам шу қишлоқдан ўтган «Қасаба» каналида тўғон борлиги маълум.

**ЖАЛОЙИР.** Ўзбек-турк йирик уруғларидан бири. Сурхондарё, Фарғона вилоятларида ҳам шу номдаги қишлоқлар бор. Бизда Жалойир қишлоғи «Зарафшон», «Жалойир» ва «Маданият» жамоа хўжаликларини ўз ичига олади.

**ОБРОНОН.** Аслида «Оби равон» — равон оқадиган сув маъносига бўлиб, кейинчалик фонетик жиҳатдан ўзгариб кетган. Бу қишлоқ Қ. Раҳимов номли ва «За-



рафшон» жамоа хўжаликларининг туташган ўрнида жойлашган.

**ТАМА.** Мўғул қабиласи бўлиб, Даштиқипчоқ ўзбеклари таркибига киради. XV—XVI асрларда улар Зарафшон дарёси ҳавзасига келиб ўрнашганлар. Тама 92 бовли ўзбек «қавмлари»нинг деярли барча шажараларида тилга олинган Ибн Сино номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган.

**ТАЛҚОҚ.** Тал арабча сўз бўлиб, «тепалик» демакдир. «Қоқ» сўзи эса чўллардаги «кўлмак сув маъноси»ни беради деб С. Қораевнинг «географик номлар маъноси» китобида таъкидланган. Бироқ чўлдаги кўлмак ва тепалик орасида боғлиқлик йўқ. Талқоқнинг асл маъноси бошқача ҳам бўлиши мумкин. Қ. Раҳимов жамоа хўжалиги 10-бригадасида жойлашган.

**ҚИЁТ.** Ўзбек қавмларидан бири шундай деб аталган. Абулғози Баҳодирхон фикрича қиёт мўғулча «тоғдан оқан сел» маъносини беради. Бу қишлоқ Қ. Раҳимов жамоа хўжалиги 4-бригадаси ҳудудидадир.

**ҲАЗОРА.** Ўзбекистондаги бир неча жой номи.

а) Ибн Арабшоҳнинг фикрига қараганда, Амир Темури замонида минг жангчи етказиб берган маъмурий ҳудудий бирликка айтилган;

б) шу қишлоқда яшовчилар бу номи «Ҳазор роҳ», яъни минг йўл маъносида деб талқин қиладилар. Ҳозир шу қишлоқ номида жамоа хўжалиги бор.

**УЙРОТ.** Ўзбек қабилаларидан бири. Жумладан, А. П. Хорошкин ва Н. Ханиковнинг «Насабномаи узбекия» китобида қабила сифатида кўрсатиб ўтилган.

**ХУЖАҲАЙРОН.** Этимологияси маълум эмас.

**ҚИЗИЛТОМ.** Қ. Раҳимов номли жамоа хўжалиги 9-бригадасидаги катта қишлоқ. Бу қишлоқнинг номини «Қизил том» дейилишига сабаб шуки, аҳолиси тоғдан қизил тупроқ олиб келиб томини сувоқ қилгач, томи узоқдан қизил рангда кўринган. Бошқа қишлоқлардан фарқлаш учун қизил том деб аташган.

**ЯНГИ АРИҚ.** Қ. Раҳимов номли жамоа хўжалиги 9-бригадасидаги қишлоқ. Аҳоли ерларини суғориш мақсадида янги ариқ қазишган. Шунга кўра ўша ариқ атрофида яшаётган жой «Янги ариқ» деб аталган.

**ҚАВОЛА.** Қ. Раҳимов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги қишлоқ Қавола ўзбек уруғларидан бўлган. Ўша ердаги тепа ҳам шу ном билан аталган.

**БУРҚУТ.** Бурқут қабила номини билдиради. Бу қа-

биланинг номи Бухоро, Самарқанд вилоятларининг айрим туманларида учрайди. Бурқут қишлоғи Ибн Сино номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган.

**ҚАТАҒОН.** Ўзбеклар таркибига кирган йирик қабилалардан бири. Уларнинг асосий қисми Афғонистоннинг Қатағон вилоятида яшайди. Қатағон қишлоғи «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бригадасида жойлашган.

**ТУРКМАН.** Туркман-ўзбек миллатлари таркибига кирган қабилалардан бири. Туркман «Қизил Ўзбекистон» ва Ибн Сино номли жамоа хўжаликларидида жойлашган қишлоқдир. Қишлоқ аҳолиси Туркменистоннинг Чоржўй, Мари ва Байрамали вилоятларидан келиб қолган туркман уруғларидандир.

Шунингдек, Қармана шаҳри ҳудудида Улуғлар, Гадоилар, Хўжа Хисров, Юқори Арғин, Қўҳна Қўрғон, Хўжалар, Гарруклар, Қалобод сингари эски қишлоқлар бўлган. Ҳозир улардан айримларининг номлари қолган ҳолос.

## **МАШҲУР УЛАМО, АВЛИЕ ВА ШАЙХЛАР**

Қармана шаҳрида буюк алломалар, олиму фузалолар, шайху авлиёлар яшаб ўтганлар. Уларнинг бир қисми ҳақида маълумотлар бор. Лекин турли даврларда яшаб ўтган бир қанча табаррук зотлар ҳаёти ва ижоди тадқиқ қилинмаган.

Қуйида Саййид Муҳаммад Носирнинг «Тухфат аз-зорин» («Зиёратчиларга совға») асарида номлари зикр этилган карманалик аллома ва авлиёларнинг номларини келтирамиз. Китобда уларнинг айримлари тўғрисида умумий маълумот, баъзилари ҳақида эса фақат Карминагий тахаллусигина берилган. Форсийда ёзилган ушбу рисоладан баҳоли қудрат таржима қилдик. Шу савобли ишда Қосим шайх мачитининг домласи раҳматли Нусратулло Турсун ўғли бизга яқиндан ёрдам бердилар.

**ХУЖА СОБИР.** Қармана атрофида яшаб ўтган йирик дин пешволаридан бири. У асли машҳур халифа Хўжа Исоқ тарбиясини олиб, эл орасида дини ислом таълимоти борасида забардаст олимлар қаторидан ўрин олган.

Хўжа Собир дастлаб йигитлик чоғидан отаси Амир Воҳиднинг хоҳиши билан Маккан Мадинага ҳажга бориб, 25 йил давомида ўша ерда худога ибодат қилди.



Сўнг етук дин арбоби бўлиб Мовароуннаҳрга — бўлажак устози Хўжа Исоқ ихтиёрига келди. Бир йил мобайнида устозидан яна сабоқ олиб, барча илмлардан огоҳ бўлди ва Хўжа Исоқнинг оқ фотиҳаси билан авлиёлар қаторига ўтди. Халққа ислом дини ва дунёвий илмлардан сабоқ берди. Ўз умри давомида кўплаб ёшларга илм йўлини кўрсатди. Хўжа Собир ҳижрийда 1051 йилда вафот этган. Унинг муборак қабри Жалойир қишлоғида. Бироқ қабр анчагина яроқсиз аҳволга келиб қолган.

**ТАНГРИБЕРДИ.** Хўжа Исоқнинг Қармандаги етук шогирдларидан бири. Унинг туғилган, вафот этган илларни маълум эмас. Лекин Хўжа Исоқ тарбиясида бўлганлиги, ундан сабоқ олганлигини ҳисобга олсак, у Хўжа Собир билан замондош эканлиги маълум бўлади. Демак, Тангриберди XVI аср охири XVII аср бошларида яшаб ўтган.

Тангриберди ўқимишли бўлишига қарамай даштда ўтин, турли ўсимликлар йиғиб, уларни сотиб кун кўрган. Бир кун Тангриберди бозорда нарса сотиб юрганда Хўжа Исоққа дуч келади, ўзаро суҳбатдан сўнг улар бир-бирларига устоз-шогирд тушадилар. Хўжа Исоқ Тангрибердига дини ислом ва бошқа билимлардан чуқур таҳсил бериб, уни ғоят етук илм арбоби даражасига етказган. Тангриберди устоздан оқ фотиҳа олиб, катта шайхлик мартабасига эришгач, кўп йиллар халқни тўғрилиқка, инсоф ва диёнатга чақирган. Қишиларни билим олиш билан бирга меҳнат қилишга даъват этган. Ўзи ҳам бунга қатъий риоя қилган.

Шайх Тангрибердининг муборак қабри Қармандаги Чор минорда жойлашган.

**ХУЖА ХИСРАВ ҚАРМИНИЙ.** Хўжа Хисрав Қарминий таниқли шайх бўлган. У ҳақда ҳеч қандай маълумот сақланмаган. Хўжа Хисрав Қарминий Бузрук Хўжанинг муридларидан бири. Китобда айтилишича, у Қарманга дафн этилган.

**ҲАЗРАТИ ЭМИН ХУЖА ЧОРМИНОРИЙ.** Ҳазрат Эмин Хўжа Чорминорий шайх Тангрибердининг шогирди, XVII асрда яшаб шайхликда анча донг таратган. Кўпроқ одоб тўғрисида рисоалар битиб, халқ ўртасида одоб ва ахлоқни тарғиб этган. Унинг муборак қабри Миёнкол Чорминорида жойлашган (Қизил-тепа ва Зиёвуддин оралиғидаги беклик музофоти Миёнкол деб аталган). Шунингдек, Қарманда узоқ даврлар мобай-

нида ўнлаб буюк авлиёлар, шайхлар, ислом динининг атоқли тарғиботчилари яшаб ўтганлар. Уларнинг кўпчилиги Қарманага бўлган муҳаббати, эътиқоди, бу муборак шаҳарга нисбатан ҳурмати шарафига ўз номларига Қарминагий (яъни карманалик) тахаллусини қўшишган. Афсуски, карминагийлардан кўпчилигининг яшаган даври, ёзган асарлари, дафн қилинган жойлари ва бошқа маълумотлар бизгача етиб келмаган бўлсада, айрим тарихчи олимлар уларнинг номларини ўз китобларида битиб кетганлар. Қуйида баъзиларини келтирамиз.

Шайх Эмин Карминагий, Мавлоно Ҳомиддин Карминагий, Мавлоно Нуритдин Карминагий, Мавлоно Саййид Аҳмад Карминий, Мавлоно Сайфутдин Карминагий, Хўжа Сулаймон Карминий, Мулло Муборак Карминагий, Мавлоно Ҳасан Карминагий, Шайх Аҳмад Карминагий...

АБУ ТОҲИРХОЖА. Фозил оилада тарбия топган Абу Тоҳирхожа тарих ва ҳуқуқ илмини яхши билган. У XIX асрнинг 40-йилларида Самарқандда муфтий бўлган.

Абу Тоҳирхожа чор Русияси Самарқандни забт этган чоғда Қарманага кўчиб, келиб, раислик лавозимида ишлаган. Раислик Бухоро хонлигида диний маъмурий мансаб бўлиб (Темурийлар даврида мухтасиб, деб аталган), зиммасига бозордаги нарх-наво ва ўлчов бирликларини ҳамда мусулмонлар томонидан дин ва шариат қонун-қоидаларига амал қилинишини назорат этиб туриш юклатилган.

Абу Тоҳирхожа 1874 йил раислик чоғида Қарманда вафот этган ва Қосим Шайх қабристонига дафн этилган («Самария», Т., «Қамалак», 1991 й., 8—12-бетлар).

Абу Тоҳирхожа Самарқанднинг бунёд этилиши, шаҳарнинг «Самарқанд» деб аталиши тарихи, жуғрофий ҳолати, сақланиб қолган осори-атиқалари, масжид ва мадрасалари, кўшк ва мозорлари ҳақидаги оламга машҳур «Самария» асарини яратганлиги билан дунёга машҳур.

## КАРМАНА БЕКЛИГИ

Бухоро амирлигида олий ҳукмдор амир ҳисобланиб, ижро этувчи ҳокимият қўшбеги қўлида бўлган. Амирлик маъмурий жиҳатдан бекликларга, бекликлар амлок-



ларга бўлинган. XIX аср охирларида Бухоро амирлигида 24 беклик бўлган. Улар амир буйруги билан ҳудудий жиҳатдан ўзгариб турган. Амирлик асосан Бухоро, Чоржўй, Қабоқли, Нурота, Қармана, Зиёвуддин, Хатирчи, Зирабулоқ, Шаҳрисабз, Қитоб, Яккабоғ, Ғузор, Қарши, Чироқчи, Бойсун, Шеробод, Денов, Қарки, Ҳисор, Болжувон, Кободиён, Қўрғонтепа, Кўлоб, Қоратегин, Дарвоз бекликларидан иборат бўлган. Қармана беклиги ҳам Бухоро амирлигининг Зарафшон водийсидаги энг катта бекликларидан ҳисобланган. Қармана беклигига ҳозирги Навоий, Навбаҳор, Қонимех туманлари ҳудуди кирган.

1550 йилларда Қарманада Искандархон исмли бек ҳукмдорлик қилган. У Қармананинг биринчи беги ҳисобланади, унча беклик ҳокимлик деб юритилган. Уша даврда Мовароуннаҳр учун шайбонийлар ўртасидаги курашда Искандар султоннинг ўғли қарманалик Абдуллахон ғолиб чиқиб, Бухоро хонлигида ўз ҳокимиятини ўрнатган. Искандархон ва Абдуллахон даврида Бухоро хонлигида (1557-98) деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланган, маданий ҳаёт юксалган. Айниқса, нодир меъморчилик ёдгорликлари кўплаб қурилган. Абдуллахон ўз ватани Қармана ободончилигига ҳам эътибор берган. Ҳозирги район матлубот жамияти биноси ўрнида ўша даврдаги катта Масжиди жоме номи билан саждагоҳ барпо этган, унинг ёнида Чор Минор қурдирган, мачит ва мадрасаларни таъмирлашда бош бўлган.

Бухоро амирлиги давридан то Бухоро халқ инқилобига қадар Қарманада тахминан ўттизга яқин киши беклик қилган.

Қармана бегининг асосий қароргоҳи шаҳар марказидаги Арк қўрғонида бўлган. Музофот беги ўз тасарруфидаги ҳудудда ҳокимиятни бошқаришда амлоқдорга таянган. У бекнинг ўнг қўли ҳисобланган. Ҳар бир йирик қишлоқ ва аҳоли кўп яшайдиган жойларда тўқсоба ҳамда жевачилар бекнинг вакили сифатида иш олиб боришган. Бундан ташқари беклик тизимига қози, муфти, миршаб, танобчи, мироб, закотчи, хазиначи каби мансабдор шахслар бўлган.

1881 йил манғит сулоласидан бўлмиш Амир Олимхон Қарманада туғилган. У 13 ёшига қадар ушбу шаҳарда тарбия топиб, сўнг Санкт-Петербург шаҳрига

Ўқишга боради. Ўқишни тугатиб келгач, аввал Қарши сўнгра Карманага беклик қилган.

Кармананинг сўнги беги Явқочбек бўлиб, у 1910—1920 йилларда беклик қилган. 1910 йилда Амир Олимхон отаси Аҳадхон ўрнига тахтга ўтиргач, бекликни унга топшириб кетган. Ўз вақтида Олимхон тоғаси Тоғайбекдан бекликни олган. Явқочбек айтишларига қараганда, бошқа бекларга нисбатан анча адолатли, ободончиликка эътибор бергувчи киши бўлган, унинг даврида солиқлар камайган, кишилар арзу доди тинглашиб, иложи борича ҳал этилган. Кўплаб ариқ ва кўприклар барпо этилган. Уғри, порахўр, судхўрларга нисбатан қаттиқ жазо қўлланган. Айниқса, бозорлардаги савдо-сотикқа кўп эътибор берилган.

1920 йил август ойида Фрунзе кўшинлари бостириб киргандан сўнг беклик тугатилган.

Карманада инқилобга қадар ўзбеклар билан бирга тожик, эрони, яҳудий, араб, қорақалпоқ, қozoқ, ҳинд каби миллатлар истиқомат қилганлар. Улардан эрони ва араблар VII аср бошларида, яҳудий ва ҳиндлар XII—XIII асрларда турли сабаблар билан бу ерга келиб қолганлар.

Карманада яҳудийларнинг алоҳида маҳалласи, ҳиндларнинг ўз саройи бўлган. Беклик даврида бошқа миллат ва элатларнинг барчаси муҳофазага олинган.

## ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА КОСИБЧИЛИК

Азалдан Кармана қишлоқларида яшайдиган аҳоли маҳаллий ҳунармандчилик ва турли касибчилик билан фаол шуғулланишган. Ҳатто айрим жойлар, ўша ерда яшайдиган касиблар номи билан боғланиб кетган. Масалан: «Кулоллар», «Позагарлар», «Темирчи тўп», «Бешикчилар» ва ҳоказо.

Карманада ҳунармандчилик турларидан: темирчилик, дурадгорлик, кулолчилик, позагарлик, аравасозлик, бешикчилик, чармгарлик, наматчилик, қандолатчилик, мискарлик, тош йўниш ва унга ишлов бериш ривож топган. Қуйида уларнинг айримлари тўғрисида қисқача маълумотларни баён этамиз.

**ПОЗАГАРЛИК.** Кармана аҳолиси қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келганлиги туфайли улар ўз меҳнат қуролларини ҳам ўзлари яратганлар. Жумладан, ер ҳайдаш учун омон, дандона, мола-пойча,



Бўйинтуриқ, тиркиш, поза кабилардан фойдаланганлар.

Поза — энг керакли меҳнат қуроли ҳисобланган. Шу боис Кармана ва унинг атрофларида махсус позагарлик дўконлари бўлган. Шулардан учтасини аниқладик. Позагарлик сирларини муфассал билган кишилар томонидан позалар ясалган, чунки уни ясаш, хом ашёсини тайёрлаш, чўянни тобида эритиш ўта моҳирликни талаб этган. Ана шундай моҳир позагарлардан уйротлик Ёрча Ҳожиев, Шерча Ҳожиев, Омон Бойчоев, Туроб Олимов, Ҳасан Эргашев, Аҳмад Ёрчаев, Аҳмад Умматов, Ҳалим Ҳамидов каби усталар сулоласи бўлган.

Поза тайёрлаш учун тоғ-тошлардан таркибида чўяни бор маъданлар териб келинган. Уни эритиб қуядиган махсус жойлар бўлган. У жой асосан икки хонали бўлиб, биринчисида эритиш печи жойлашган, иккинчисида дам босувчилар ишлаган. Эритиш қўраси олдиндан тайёрланган залдори (ўрик) кўмири билан тўлдирилиб, унинг устига чўянли тошлар терилган ва ўт ёқилган. Оловнинг гуриллаб ёниши учун дам деб аталган мосламадан қўра ичига ҳаво юборилади. Дам икки-та бўлиб, то чўян эригунча дамгарлар уни навбат билан босиб турадилар. Дамнинг ички томонида Булул деб аталадиган сопол най бўлган, унинг вазифаси ҳавони пастдан юқорига кўтариб, оловнинг иссиқлик даражасини ошириб, бир нуқтага жамлашга хизмат қилган. Булулни тўғри ўрнатиш катта аҳамиятга эга бўлган. Агар нотўғри ўрнатилса, чўян яхши ажралиб чиқмайди. Чўян эригунга қадар қўра атрофида оддий қумдан қолиплар тайёрланган. Чўян салмоғига қараб 800 тадан 1000 тагача қолиблар ясалган. Позанинг ерга кирадиган қисми ялтироқ ва ўткир бўлиши учун тол пўстлоғи куйдирилиб тайёрланган кўк рангли суюқлик суртилган. Чўян эриб қозонга оқиб тушгач, махсус қўйилган тешикка сумма урилган (сумма-чўяни оқиб тушиши учун тешик очадиган юлғун чўпи). Оқиб тушаётган суюқ чўян махсус чўмичлар орқали чимча деб аталган идишга солинган. Позагар чимчадан қолипларга чўяни қуйиб чиққан. Шу аснода поза вужудга келган. Уни яратиш жараёнида йиғирма тўрт киши иштирок этган. Охириги йилларда позагарлар синган позаларни эритиб, поза ясаганлар. 1948-50 йилларгача поза дўконлари ишлатиб келинган.

**ҚУЛОЛЧИЛИК.** Кармана шаҳридан тахминан икки километрча Ғарбда «Қулоллар» қишлоғи жойлашган.

Бу қишлоқда қадим-қадимдан кулолчилик билан шуғулланувчилар истиқомат қилиб келади. Улар учун кулолчилик ота мерос бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Ҳозирда қишлоқнинг энг машҳури Умар кулол ҳисобланади. Унинг отаси Мустафо кулол ҳам ўз вақтида машҳур ҳунарманд ўтган. У эса кулолчилик сирларини отаси Урин кулолдан ўрганган. Урин кулол тахминан 1840-йилларда яшаган. Унинг Қармана бозорида ўз дўкони бўлган. Булардан ташқари мазкур қишлоқда Ҳамро оқсоқол, Раҳмат кулол, Бўрон қўзи, Туроб кулол каби таниқли ҳунармандлар ўз касби сирларини бир гуруҳ шогирдларига ўргатиб кетганлар. Уларнинг ишларини Расул Қаяум, Толиб Ҳамроев, Ашриф Саидовлар қизгин давом эттириштилар.

Кулоллар асосан тоғора, коса, кўза, товоқ, ҳурмача, хум, тувак, тандир, турли жониворлар шакли тасвирланган ўйинчоқ ҳуштаклар ясашган. Улар «тап-тап» ва «шап-шап» деб аталмиш асбоблар ёрдамида тандир ясашган. Уни ясашда гил, озроқ сомон, баъзан жун толаси ишлатилган. Ҳозир ҳам кулоллар қишлоғидан ўтишда ҳар икки дарвозанинг бири олдида тайёр тандирлар териб қўйилганлигини кўришингиз мумкин.

Тайёрланган идиш-товоқларни бўйаш ва ялтиратишда турли метал қуқунларидан фойдаланганлар. Масалан, қўрғошин эритиб суртилса идиш ялтироқ бўлган, мис қуқун орқали идишлар яшил рангга бўялган. Темир қуқун ёки чақмоқ тош эғиндиси билан буюмлар сариқ рангда жилланган. Булар ҳаммаси ота-боболаримизнинг кулолчилик соҳасидаги ўзига хос ихтиросидир. Хуллас, ота-боболар меросини пухта ўрганиш бошлаган бугунги даврда Қармана кулолларининг довруғи яна тикланади, яна бежирим сопол идишлар бозорларига чиқади.

**НАМАТЧИЛИК.** Қарманалик машҳур наमतчилар— Уста Мардон Турсунов, Йўлдош Жўраев, Уста Умрзоқ, Нарзи Ғаниев, Ислоҳ Фармонов, Ҳикмат Мансуровларнинг номларини тарихга ёзиб қолдирсак арзийди.

Кигиз тайёрлашда асосан қўйидаги асбоблардан фойдаланганлар. Қамон — қўйнинг ичагидан тайёрланган ёйсимон иш қуроли. У жунни титишда ишлатилган. Чиг — дух ўсимлигидан қилинган қолипсимон асбоб, чигга жун тўшалиб, гули-гулига мослаштирилган, сўнгра бир оз сув сепилиб чиг ўралган ва оёқ билан ишланган. Чиг ичидаги жун қотғач, чигдан олиниб, қўл,



мушт, билак билан ишланган. Шу тариқа наमत тайёр бўлган. Одатда наमतлар уч хил ўлчовда тайёрланган. 1930 йилларда Қарманада махсус наमत тайёрлайдиган корхоналар бўлган. 1970 йиллар ўрталарига қадар баъзи наमतчилар якка тартибда кигиз қилиб сотишган. Ҳозирга келиб наमतчилик касби бутунлай йўқ бўлиб кетди. Юқорида биз «чиғ» асбоби лухдан тайёрланганини айтиб ўтдик. Доно халқимиз наमत остига ердаги нам юқорига кўтарилмаслиги учун қамиш ва лухдан бўйралар тўқиб ташаганлар. Бўйралар турли ўлчовда ҳамда турли шаклларда нақш бериш усуллари билан тўқилган. Худди шундай усул билан тупроқ ташиш учун кашша идиши ҳам тайёрланган. Бундан ташқари тол ва тут новдаларидан сават, галдак, чўлпи каби рўзғор анжомлари ясалган. Бугунги кунда кашша, сават, чўлпи ва бўйралар ҳатто музейда сақлаш учун ҳам қолмаган.

**ДУРАДГОРЛИҚ.** Энг қадимги касблардан бирidir. Қармана дурадгорлари асосан чўпқори уй, эшик, сандал, хонтахта, сандиқлар, дарвоза, чорпоя ёки карт каби жиҳозларни ясаганлар. Ҳозирги дурадгорлар дераза, пол, фанерли шифт, стол, томни шиферлаш каби юмушларни ҳам бажаришади. Дурадгорлар асосан теша, пой-теша, даст арра, гўлабур арра, парма, искана, муш ранда, катта ранда, ёқа ранда, загрев ранда, шовул, гўниё, об тарози, ражжа каби меҳнат қуролларидан фойдаланганлар.

Қарманада машҳур уста дурадгорлар кўп бўлган. Инқилобдан илгари карманалик Уста Дўст, Уста Латиф, Уста Жўра каби дурадгорлар Бухородаги машҳур Ситораи Мохи Хосса саройини куришда иштирок этганлар. Уларнинг шогирдлари Уста Тўра, Уста Абдурайим, Уста Раҳмон, Уста Султон, Уста Саид, Уста Равшан, Уста Истам сингари дурадгорлар ҳам эл ишончи ва ҳурматига сазовор бўлганлар.

**СОҒИТАРОШЛИҚ.** Майда ҳунармандчиликнинг бу турига галвир, элак, чиғил, қошиқ, курак, чўмич, соғи, паншаха, чўи товоқ, гулли, пишкак, ўғир (кели), доира, гўшқувак (гўшткунда) каби рўзғор буюмларини яшаш кирган.

«Соғи» — доира шаклидаги идиш, «тарош» — *йўнувчи* деган маънони билдиради. Доиравий шаклдаги буюмларни яшаш соғитарошлик ҳисобланади.

**БЕШИҚСОЗЛИҚ.** Ҳунарлар орасида бешиқсозлик

муқаддас касблардан бири бўлган. Бешик асосан толдан ясаладиган, узунлиги 90—100 сантиметр баландлиги ва эни 50—60 сантиметргача бўладиган тебранма беланчак. Бешик асосан даста, бешик уйи, 2 та гардиш, 4 та бешик пойи, 2 та кабзи, 2 та пайванди, 2 та йўрға каби қисмлардан иборат. Бешикни аввал уйи (такбози) ясалиб, унга кўндаланг тол тахтачалар қоқилади. Бешикнинг икки томонида ярим доира шаклида гардиш қилиниб, у бешик пойига ва ундан ярим эллипс шаклидаги йўрғаларга уланади. Икки гардиш тепа томонидан даста (бўйинтириқ) орқали туташтирилган. Дастанинг иккала томонига чаройли ишланган «қуш» (қубба) ўрнатилади. Боланинг бош ва оёқ томонларини муҳофаза қилиш ва гардишни мустақкам сақлаш учун чамбарак ясалган. Болани бешикка белаш учун газламадан тикилган қўлбола ва «пой печ» деган махсус абзаллар ишлатилади. Бундан ташқари, бешикнинг ички қисмига тагпўш, устки қисмини ёпиш учун гаворапўш ва рўйпўш деб аталадиган тўшамалар бор. Улар мавсумга қараб турли хилдаги газламалардан тайёрланади. Бешик уйининг салкам ўртасида махсус тешик очилган бўлиб, у ерга тувак қўйилади.

Бола одатда икки ёшгача бешикда ётади. Шуниси характерлики, агар гаворага бола тўғри беланса, гавдасининг тўғри ривожланиши, тинч ухлаши, тагини озода тутиши, аллалаш учун қулайлиги каби афзалликлар борлиги учун кўп халқлар ундан неча асрлардан буён фойдаланиб келмоқдалар. Бешик сўзининг XI аср туркий ёзма ёдгорлиги «Девону луғатит турк» асарида (Т., 1960 йил, 1-жилд. 368-бет) учраши ҳам унинг минг йиллик тарихга эга эканлигини кўрсатади.

Уйротда Хожидан чархгар ва Азим чархгар исмли ака-ука бешиксозларнинг довуғи тахминан 1840 йилларда Карамана атрофида машҳур бўлган.

**ЧАРМГАРЛИК.** Ота-боболаримиз азалдан чармгарлик билан шуғулланиб келишган, чунки чармдан ҳар хил рўзгор буюмлари ва турли хилдаги маҳсулотлар тайёрланган. Чармгарлар уч хил кўринишда, яъни чармни чакки қилиб пиширганлар. Бундан чакки ковуш, чакки этик тикилган. Иккинчидан — «Меши чарм» пиширилиб ундан меш (теридан бўлган идиш), сурпа тайёрланган. Учинчиси — «Булғор чарм» бўлиб, ундан ковуш-махси, этиклар тикилган. Шунингдек, уй ҳайвонлари учун югани, айил, нўхта, қамчин ясалган. Қарма-



на ҳудудида чармгарлик касби билан қадимдан шуғулланиб келганлар. Улар яшаган қишлоқ Чармгар қишлоқ деб аталган, кейинчалик Уйрот, Айрончи қишлоқлари катталаштирилиб, марказлаштирилгандан сўнгра йўқолиб кетган. Уша қишлоқлардаги кексаларнинг айтишича, энг донгдор уста чармгарлардан Очил чармгар, Йўлдош Файзиев, Раззоқ чармгар, Ҳосилот Бойчаев, Саъди бобо, Саид бобо, Орзи бобо, Турсун бобо, Луботондан Ғани эшон кабилар ўз касбларининг моҳир усталари бўлган. Буларнинг сулоласи 250 йилга бориб тақалади.

Чармгарлик сирларини мукаммал билмаган киши ҳақиқий маҳсулот тайёрлай олмайди. Чунки чармгарлик анча мураккаб ва қийин жараёни иш.

Чарм асосан мол, қўй, эчки, от, туя хаби уй ҳайвонлари терисидан тайёрланади. Дастлаб тери сувга солиб ивтилади, сўнгра ёғоч устига тўшалиб, хом ўроқ билан гўшт қолдиқлари олинади. Саксовул ишқори ва очилмаган оҳак солинган идишга тозаланган тери бўктирилиб, 24 соат мобайнида сақланади. Ундан олиниб, ёғочга илтириб мўйдаст деган асбоб билан жун олинади. Кейин терини тоза сувга солиб, идишнинг ичига қўйиб тепилади. Тери юмшаб латтадек бўлгандан кейин сувдан олиб тузланади. Сўнгра ерни кавлаб махсус ўчоқ тайёрланади. Ўчоқнинг олов ёнадиган қисми ер остида бўлиб, унда ер устидан 30—40 сантиметр чиқиб турадиган диаметри 20—25 сантиметрли мўри қилинади. Ўчоқ ичидаги олов ўт олмаслиги учун ҳаво кирувчи туйнук қилинмайди, чунки ўчоқ ичидаги қамиш ёнмасдан туташ зарур. Мўрини тепа қисмидан қуруқ қамиш тиқиб, унда чиқадиган тутунга тери тобланади. Шу аснода тери дудлангач, махсус тайёрланган чуқурга тахлаб, устига қозон тўнтариб қўйилади. Эртаси кун терилар оқар сувга ташланиб, тузи кетгунча ювилади. Кейин тери рангланади. Қадимда тайёр бўёқ бўлмаганлиги учун чармгарлар ўзлари бўёқ тайёрлаганлар. Бунда қора ранг чиқариш учун бош пиз ва қозон қорасидан фойдаланганлар. Жигарранг бўёқ тайёрлаш учун эса тут дарахти замбуруғлари қайнатилиб, чарм ранги тайёрланган.

Рангланган терининг орқа томонига қизитилган ёрни супурги орқали сешиб чиқилади, сўнгра офтобда чонлаш жараёни бошланади. Чон—бу икки томон капгирга ўхшаш асбоб бўлиб, у орқали тери текисла-

ниб қалин жойлари юқалаштирилгач, ўтмас чон билан терига пат берилади. Ундан кейин тери узун ёғочга бўйни томонидан ташланиб, лип — чўп деб аталган таёқ билан пардозланади. Бундай лип бериш билан тери худди дазмолланган мато шаклига кириб, тайёр ҳолга келади. Ана шундай мураккаб ва оғир жараён орқали чарм тайёрлаш тарихи вужудга келган. Шу ўринда тери билан боғлиқ яна бир касибчилик тўғрисида айтиб ўтиш жоиздир. Бунда тери ошланиб, юмшоқ ҳолга келтирилади. Ундан бош кийим (телпак, қалпоқ), жўй ва эчки териларидан пўстак, пўстин, нимча қилиниб фойдаланганлар.

**ТЕМИРЧИЛИК ВА АРАВАСОЗЛИК.** Темирчилик касби Кармана ва унинг атрофларида қулдорлик даврида, яъни эрамиздан икки минг йилча олдин пайдо бўлган. Темирчилар асосан ўрқ, болға, теша, қиллик, пичоқ, қопқон, дандона сихи, зулфин, занжир, қулф, кишан, поки, капкир, омбур, оташкурак, сумба, метин (тегирмон тошини кўчирадиган асбоб), хонс (тегирмон, каш-кашга тиш очадиган асбоб), искана, кетмон, болта, хокандоз, чарх ва аравага керакли асбоблар ясаганлар.

Чарх тигли буюмларни ўтқирлаш асбоби бўлиб, ундан темирчилар қадим-қадимдан фойдаланиб келишган. Чарх тайёрлашда елим ҳамда «тош қум» дан фойдаланишган. Тоғдан майин, ялтироқ заррачали қумтош олиб желиниб, гилос, шафтоли дарахлари пўстлоғи қайнатилади. Сўнгра диаметри 25—30 сантиметр айлана тошга бир қават қум, бир қават елим суртилиб, 2—3 сантиметр қалинликда қумланади. Кўрибсизки, чарх тайёр бўлади.

Темирчилик ҳам кулоллик, дурадгөрлик касби сингари авлоддан-авлодга ўтиб келган. Инқилобгача Карманада ўнга яқин йirik темирчилик устахоналари фаолият кўрсатган. Шунингдек, кўпгина қишлоқларда темирчи усталар ўз уйларида ҳам кичик-кичик темирчилик дўконлари очгандар. Дўконларда босқон, сангдон, болға, сумба, дам, омбур, обнова, темир қалам каби асбоблар ишлатилган.

Кармана музофотида Уста Жўра, Уста Шариф, Уста Абдулло, Уста Пўлат, Уста Худойберди, Уста Турди, Уста Эшмурод, Уста Қурбон, Уста Нусратилло каби темирчиларнинг номлари анча машҳур бўлган. Улар ўз билими тажрибаси ва касб сирларини кейинги ав-



лодларга ўргатишни муқаддас деб билганлар. Биргина Жўра темирчи сулоласи 120 йилдан буён бу касбни эъзозлаб келади. Худди шунингдек, уйротлик Уста Тош ўғли Уста Абдуллога ва шогирдларига, айрончилик Уста Худойберди ўғли Уста Нарзуллога ва шогирдларига, темиршайхлик Уста Эшмурод жияни Уста Қурбонга темирчиликни мерос этиб қолдирганлар.

Вақт ўтиши билан фан-техниканинг ривожланиши, давлат корхоналарининг халқ истеъмол маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқариши натижасида темирчилик касби орадан бир оз чиқиб кетди. Ҳозир темирчилар айрим хўжаликларнинг таъмирлаш устахоналарида яқка ҳолда сақланиб қолган. Хусусийлаштиришга кенг имкониятлар очилган даврда темирчиликни тиклаш ўта фойдали иқтисодий зарурият ҳисобланади.

Азалдан арава темир ва ёғоч қисмлардан таркиб топганлиги учун бу касб эгалари ҳам темирчи, ҳам дуррадор бўлганлар. Арава ўз замонида энг қулай транспорт воситаси бўлган. Ундан қишлоқ хўжалигида, кундалик турмушда юкларни, одамларни ташишда кенг фойдаланилган. Ҳар бир жойнинг рельефи, иқлими ва табиий шароитига қараб аралар турли хилда ва кўринишда ясалган.

Кармана атрофида икки филдиракли от ёки эшак қўшиладиган арава кенг тарқалган. Бу арава шоти, қанот, ёстиқ, ним ўқ, шин, втулка, қулоқ чўп (иккитадан), поғона (бешта), туғин (слтита), халқа (тўртта), чўпчак (12 та), парра (24 та), пештахта (битта) қисмларидан таркиб топган.

Булардан ташқари аравага қўшиладиган от ёки эшакнинг махсус анжомлари ҳам бор. Бунда ҳайвонлар бўйнига ташланадиган кучан хамуд, оғзига юган, белига айил, устига эгар, қулоқ чўп каби анжомлар ишлатилади.

Вақт ўтиши билан карманалик маҳаллий аравасозларга Кавказ, Русиядан келган аравасозлар ҳам қўшилишган. Масалан, Уста Шариф 1930 йилларда Карманадаги «Дуп» (Девятнадцатый пром. артел) да кавказлик Вартан (Вартанян) билан узоқ вақт ишлаганини, рус аравасозлари эса ўша даврда анча башанг бўлган «Фойтун»лар ясаш сирларини усталаримизга ўргатишганини айтиш мумкин, чунки 1923-33 йилларда Эргаш фойтунчи, Ҳамдам карвон, Эш фойтунчи, Жўра фойтунчи, Мулла Аҳмад Мирохўр каби фойтунчилар

Карманадан — вокзалга ҳатто Карманадан — Бухорога қатнагани ҳақида маълумотлар бор.

**САРТАРОШЛИҚ.** Бу касб азалдан керакли ва қутлуғ ҳисобланган. Ҳар уч-тўрт қишлоқда бир сартарош ишлаган. У ҳафтани маълум кунларга бўлиб, қишлоқларни айланиб чиққан. Бундан ташқари сартарошлар ёш болаларни суннат қилишда ҳам масъул кишилар бўлган. Суннат қилишда усталар дукча, ғаров, устара, куйдирилган пахтадан фойдаланишган. Шунингдек, кўпчилик сартарошлар оғриқ тишларни олиб ташлашни ҳам билишган. Унда темирчилар томонидан махсус тайёрланган амбур ишлатилган.

Кармана ва унинг атрофларида кейинги 100—130 йил ичида қуйидаги сартарошлар халққа хизмат қилишган; Темиршайхда Уста Бўрон ва Уста Ҳайдар, Уйротда Уста Жўра ва Уста Қурбон, Айрончида Уста Собир, Бурқутда Уста Гофур, Карманда Уста Уроқ, Уста Нор, Уста Рашид, Жалойирда Уста Комил, Уста Орзу ва бошқалар.

**ТАРОҚСОЗЛИК.** Тароқни карманаликлар бошқа шарҳлардан келган савдогарлардан сотиб олишган. 1930 йилларда ўратепалик Абдусаттор Ҳасанов (Сариқ Атор) исмли киши минг дона тароқ олиб Карманага келди. Савдоси юришиб кетгач, ўзига бир ҳужра ва дўкон қуриб, шу ерда тароқ ясаб сотган. Тароқ фақат залдори (ўрик) дарахти танасидан тайёрланади. У икки хилда бўлган, соқол тароқ ва соч тароқ. Соч тароқнинг бир томони майин, иккинчи томони йирик тишли бўлган. Соқол тароқнинг эса узунлиги 7—8 сантиметр бўлиб, бир томонида тиш очилган. Абдусаттор тароқчи ўз касбини ўғли Абдужаббор Ҳасановдан бошқага ўргатмаган. Ҳозир у ота касбини давом эттираяпти.

**МИСКАРЛИК.** Мисдан уй-рўзгор ашёлари яшаш касби. Тарихдан маълумки, Кармана қўрғони ичида мискарлик яхши тараққий этган. Кармана мискарлари асосан офтоба, жом, кўза, мис самовар, дасшўй, чойдўш, лали, чилим, капгир, чўмич, чойгардон, чироқ, ёғлоғи (чўмичсимон катта идиш) яшашган. Мискарлар мис идишларни икки хил йўл билан эритиб, қуйиб ёки болғалаб ясаганлар. Идишларни болғалаб яшашда сандондан фойдаланганлар. Буюмни яшаш пайтида тез-тез қиздириб турилган. Офтоба, кўза каби идишларни яшаш мураккаб бўлганлиги учун аввал бўлақларга бўлиб ясаиб, кейин бир-бирига қалайланган. Буюм қолип-



дан кўчирилгач, тозаланиб, сўнг унга нақш ва гуллар туширилган. Кармана мискарлари ҳам буюмларни ясаш ва безашда қуйидаги асбоблардан фойдаланганлар: дупоя — икки шохли темир бўлиб, сандон сингари мисни ҳар хил шаклга келтириш учун ишлатилади; мехлос — қозиқсимон темир бўлиб, тепа қисми тўппиққа ўхшайди, мисни шарсимон шаклга келтиришда ишлатилади; темир болға — мисни ўриб ёйиш учун жуда қулай; хонс болғал — болға шаклида бўлиб мисни урганда маълум бир градусда эгилади; қайчи — кесиш учун ишлатиладиган асбоб; паргол — циркул вазифасини бажарувчи, айлана чизиш учун ишлатилади; ковия — мисни қиздиришда махсус мослама; қалам — қаттиқ металдан тайёрланиб мисга чизиш учун ишлатилади.

Асримиз бошларида мискарлик қилган карманалик Уста Шароф (тахминан 1919 йил вафот этган), унинг ўғли Уста Сайфитдин Шаропов (1910—1975 й.) Уста Ёдгор бобо, Уста Пайзи темиршайхлик Уста Турсун Давлатов каби мискарлар номини топдик, холос. Мискар усталар турли идишлар ясаш билан бирга эски, синган, тешилган мис идишларни таъмирлаганлар. Бундан ташқари турли таомлар пишириладиган мис идишларни, овқат сифати бузилмаслиги, гигиеник жиҳатдан тоза бўлиши учун уларнинг ички қисмини вақти-вақти билан оқлаб келганлар. Оқлашда — дажғол (наждак ўрнида) куйган фишт бўлагининг кукуни орқали, тезоб (кислота) билан тозалангандан сўнг навшотир ва танокор қўшиб идиш ичига суртилган. Шу тариқа идишнинг ичи юпқа модда билан қопланган. Юқорида номи тилга олинган уста Сайфитдин Шаропов 1929 йили тақдир тақозоси билан Оренбург шаҳрига бориб қолиб Абдуллин исмли татар туникасозга шогирд тушади. Икки йил давомида туникадан буюм ва жиҳозлар ясашни яхши ўзлаштиргандан сўнг, битта Мисрон (туникани ҳар хил шаклга солишда ишлатиладиган 16 килограммли темир) ни Карманага олиб келиб, туникасозликни биринчилардан бўлиб бошлаган. Ана ўшандан сўнг Карманادا туникасозлик ҳам тараққий этган. Шуниси қувончлики, Уста Шарофнинг ўғли Зайниддин Шаропов мискарлик билан бирга отасидан қолган ўша Мисрон билан туникасозлик ишларини давом эттирмоқда.

ЖУВОЗ. Қадимий усул билан мой оладиган дастгоҳ бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришга кўра бир неча хилга бўлинади. Масалан, ёғ жувоз, шоли оқланадиган

обжувоз, қоғоз жувоз. Жувозлар от, хўкиз ёки сув кучи билан ишлатилади. Жувоз кунда, ўқ, қайиқ, гажак, ёғоч (мумиқ), тўғин каби қисмлардан иборат бўлади. Жувоз кундасининг айлана диаметри бир—бир ярим метр атрофида бўлиб, узунлиги уч метргача келади. Кунда асосан тут, гужум, қайрағоч, ўрик дарахти танасидан тайёрланади. Кунданинг ингичка томони ерга икки метргача кўмилади ҳамда устки юзаси ўғир шаклида ўйилади. Бу жойни аслида юкхона, карманаликлар эса сурпа деб атайдилар. Унга чигит, кунжут, зиғир—турли экинларнинг — қовун, кунгабоқар, ёнғоқ, қоғоқ каби ўсимликларнинг уруғи ҳам ашё сифатида солинади. Юкхонанинг ўртасидан ғазна, бизда эса мой ҳовузчаси деб аталадиган чуқурча ўйилади. Жувозга қўшилган улов юрганида қайиқни олдинга суради, қайиқ эса гажакни, гажак ўз навбатида ўқни айлантиради, ўқ хом ашёни эзиб, таркибидаги ёғни ғазнага ҳайдайдди, ғазна ёққа тўлгач, жувозкаш жувозни тўхтатиб, ёғни олади. Кармана атрофларида асосан зиғир ва кунжутдан олиниши сабабли зиғир ёғи ёки кунжут ёғи деб юритилади. Жувоз ёғи кунжут, кунгабоқар, қовун уруғи, чигит ва ёнғоқ мағзидан аралаштириб тайёрланганда шифобахш неъматга айланади. Жувоз ёғи кўзни равшан қилади. Камқувватлик, қон босими хасталикларига даводир. Қоғоз жувозда эски уада, ёғоч кукуни ва бошқалар эзиб ун қилинади, сўнгра қайнатилиб ундан қоғоз қўйилган. Жувоз ҳайдайдиган киши жувозкаш, унинг машғулоти жувозкашлик дейилади. Жувозкашлик қадим замонлардаёқ пайдо бўлган. Кармана атрофларида деҳқон хўжаликлари ёғ ишлаб сотиш учун ўз жувозхоналарига эга бўлганлар. Бизда кишилар ўз шахсий жувозхоналарига ҳам эга бўлганлар. Жувозхона эгасининг қўни-қўшнилари ҳам шу жувозда ёғ ишлаб олганлар ва бунинг эвазига ёғнинг кунжарасини қолдирганлар. 1950 йиллардан кейин ёғ ва қоғоз саноатининг ривожланганлиги сабабли жувозлар йўқ қилиб юборилди. Пахта якка ҳокимлиги йилларида эса хом ашё бўладиган зиғир, кунжут, кунгабоқарлар экинмай қўйилди. Ҳозир Навоий туманининг қатор хўжаликларида жувоз қайта тикланыпти.

**ЯҒИРЧОҚ ВА КАШ-КАШ.** Инқилобдан олдин Кармана ва унинг атрофларидаги қишлоқларда ўнлаб кашкаш, юзлаб яғирчоқлар бўлган. Ота-боболаримиз яғирчоқ ва каш-каш орқали буғдой, арпа, тарик, жўхори ка-



би донларни майдалаб ярма ҳамда ун тортганлар. Яғирчоқ каш-кашдан кичикроқ бўлиб, қўл билан айлантилган. Каш-каш эса уй ҳайвонлари (эшак, хўкиз, от) кучи орқали ҳаракатга келтирилган.

Яғирчоқ ва каш-каш бир жуфт тош, ўқ, пулак, тахта понадан иборат бўлади. Каш-кашнинг яғирчоқдан фарқи пулакни кўтариб — тушириш орқали тош оғир ёки енгил қилинади. Тош оғир бўлса ун тортилади, енгил бўлса ярма тортилади.

**ТЕГИРМОН.** Донни майдалаб унга айлантирадиган корхона бўлиб, у асосан оқар сув, шамол кучи билан ҳаракатга келади. Кармана атрофларида сув тегирмонлари бўлган. Сув тегирмон дула, коса, шақилдоқ, тош, гупчак, паррак, ёғоч нав каби қисмлардан ташкил топган. Навдан тушаётган сув парракка урилиб, тегирмон тошларини ҳаракатга келтирган. Тегирмон тошига тегиб турадиган ёғоч эса косани тебратади. Дуладан тушаётган дон косанинг тебраниши натижасида тегирмон тошининг чуқурчасига тушади. Тош айланиб донни эзди, ҳамма унга тўлганда тегирмончи тегирмонни тўхтатиб унни олади. 1950 йилларгача Карманада Қасоба каналда Гала тегирмон, Мирзо чорбоғ яқинида Жар тегирмон, Хоним тегирмон, Жалойирда Жалойир тегирмон ишлаб турган. Кўпчилик тегирмонларда махсус бонг таратадиган карнайлар бўлган. Тегирмон бўш бўлганда бонг таратиб, ун тортишга одамларни чақирган. Ҳозир тегирмонларни тиклаш жадал давом этапти.

## ТИЛ — МИЛЛАТ ҚИЁФАСИ<sup>1</sup>

Кармана ўзбекларининг тили ҳам ўзбек тилидир. Тил ҳақида гапирганда миллатлар ҳақида гапирмасдан бўлмайди. Чунки ҳар бир миллатнинг тили шу миллат тили ва унинг ҳақиқий қиёфаси ҳисобланади.

Кармана ҳам кўп миллатли туманлардан биридир. Узоқ ўтмишда Карманада ўзбеклар, тожиклар, яҳудийлар, эронилар, қирғизлар, қозоқлар, туркманлар, араблар, турклар, ҳиндлар ва бошқа миллатлар яшаб келганлар, кейинчалик уларнинг сафига руслар, татарлар, озарбайжонлар, арманлар ва бошқа миллат ва элат вакиллари қўшилганлар.

---

<sup>1</sup> Ушбу бўлим марқум ўқитувчи Собир Пўлатов билан ҳамкорликда ёзилган.

Карманада 40—60 йилларгача ўзбек тилидан ташқари тожик тилида таълим берадиган тўлиқсиз ўрта мактаб бор эди. Уша вақтларда Кармана тумани ҳудудининг бир қанча жойларида қозоқ тилида дарс ўтадиган бошланғич синфлар ҳам бўлган. Кейинчалик бу мактаблар ва синфлар тугатилиб кетди.

Карманада яшовчи араблар, эронилар ўз тилларини деярли унутиб, асосан тожик ва ўзбек тилларида гаплашадилар.

Карманада яшовчи Бухоро яҳудийлари бундан бир неча минг йиллар олдин келиб қолишган, улар ҳам асосан тожик тилида гаплашадилар.

Араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзувчи биринчи марта 1920 йилларда ислоҳ қилинди. 1929 йилда араб графикасидаги ўзбек ёзуви лотин алфавити билан алмаштирилди. 1940 йилда ўзбек ёзуви рус графикаси асосидаги ёзувга (алфавитга) ўтилди.

Араб графикаси асосидаги ёзувнинг бошқа ёзувларга алмаштирилганлиги халқимиз ҳаётига анча салбий таъсир кўрсатди. Чунки ўзбеклар умуман Марказий Осиё халқларининг тарихи, маданияти, миллий урф-одатлари узоқ йиллар давомида араб алифбосида ёзилган эди. Кейинги авлодлар эса у маданий ёдгорликни ўқий олмай, кўп нарсадан беҳабар қолиб кетдилар. Давр ўтиши билан бу хатони тuzатишга киришилди. 1989 йилда Жумҳурият ҳукумати ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш ҳақида тарихда биринчи марта маҳсус қонун қабул қилди. Шу қонунга асосан қадимги тарихий, маданий бойликларимизни пухта билиш мақсадида эски араб ёзувини ўрганишга рухсат этилди ва бу учун барча шароитлар яратилди. Хуллас, Кармана ўзбекларининг тили умум ўзбек тили сингари узоқ тарихий жараёни ўз бошидан кечирган.

Ўзбек тили қадимдан ёзувга эга бўлган тиллардан. Унинг дастлабки намуналари қадимги туркий тил ёдгорликларига бориб тақалади. Тилнинг кичик қисми шева, лаҳжа деб айтилади. У маълум бир қабила халқ ёки миллатнинг таркибий қисмлари тили. Шевалар биркиб диалектни ташкил этади. Диалектлар миллий тилнинг ташкил топишида асос бўлади.

Ўзбек адабий тили асосан учта диалект асосида ташкил топган; биринчи Шимолий-Ғарбий қипчоқ диалекти — «Ж» лашувчи шевалар, иккинчи «И» қўлловчи шевалар, учинчи Жанубий-Ғарбий Қарлуқ (Чигатой)



Тошкент-Фарғона водийси шевалари. Қарманаликлар шеваси асосан «Ж» ловчи ва «И» ловчи диалектлар таркибига киради. Қармана туманининг Дўрман, Қалқон ота, Маржон хотин қишлоқларида яшовчи ўзбеклар кўпинча «И» ўрнида «Ж» ишлатадилар. Масалан: жоқ (йўқ) жеп кетди (еп кетди), жанғоқ (ёнғоқ), жатипти (ётибди), жанги (янги), ҳатто ип сўзини ҳам жип, деб талаффуз этадилар.

Дўрман шевасининг яна бир хусусияти шуки, улар бир қанча сўз ва нарса номларини Қармананинг бошқа аҳолисига нисбатан бошқача атайдилар. Масалан, *ёстиқ* сўзини достик; *она* сўзини эна; *келинг, олинг* сўзларини кенг, онг; *бор-кел* сўзларини боргай, келгай; *ундан қилиб; бундай қилиб* сўзларини уйтиб, буйитиб, шуйитиб каби, талаффуз қиладилар. Шунингдек, дўрманликлар *мол айвонни* савот, *алис* сўзини ақий деб айтади. Улар *мен, сен* олмошларини ман, сан, *ота* сўзини (дада эмас) ота, *ана* сўзини эса она деб тўғри ишлатадилар. Дўрманликлар лаҳжасида яна бир хусусият бор. Туманининг бошқа ерларида ота-она ёки ёши катта кишиларни ҳурмат юзасидан *келдила, кетдила, айтила* деб сўзласалар, дўрманликлар эса отам келди, отам айтди, онам пиширди деб аниқ гапиради. Улар ўринпайт келишигини ўз ўрнида тўғри қўллайдилар. Қарманаликларнинг қолган қисми «И» ловчилар шевасида гаплашадилар. Маълумки, Қармана Бухоро билан Самарқанднинг тенг ўртасида — чегарада жойлашган. Ота-боболаримизнинг узоқ ўтмишда форс-тожик, араб тилларида сўзлашувчи аҳоли билан бирга яшаб келгани, улар билан бевосита алоқа ва мулоқотда бўлгани уларнинг шевасига ўз таъсирини ўтказган. Шунинг учун ҳам қарманаликларнинг шевасида форс-тожик ва араб тилларининг таъсири катта бўлган. Ҳозир ҳам уларнинг шевасида кўплаб форс-тожик ва арабча сўзлар учрайди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Қармана шевасида гапирувчиларнинг гап оҳанги, интонацияси ўзбек адабий тили, газета-журнал тилларига анча мос келади. Лекин юқорида айтганимиздек, шевада форс-тожик сўзлари кўп учрайди. Масалан: *ўшхайди* сўзини ўшхайдн, *сичқон* сўзини чичқон, *ит* сўзини кучук, *тупроқ* сўзини турпоқ, деб ишлатамиз. Айрим сўзлар эса бошқа диалектларга нисбатан бошқача аталади. Масалан: бизда норвон, Тошкент-Фарғонада шоти, бизда чорпоя,

уларда сўри, бизларда остона, адабий тилда бўсаға, ва ҳоказо.

Карманаликлар шевасида бат соғин, бат кейин деган сўзлар учрайдики, бу ҳолни бошқа шева диалектларда учратмаймиз. Масалан; ишхонамга бориб келдим, бат кейин (ёки бат соғин) бозорга кириб чиқдим каби. Шунингдек чел (даҳана), дуқоса (эшак ёки отга мингашиш), инак (сигир), гўсала (бузоқ), сатил (челак), гавара (бешик), чойжўш (қумғон), алвонж (арғумчоқ) каби сўзлар борки, бундай сўзлар бошқа диалектларда йўқ.

Карманаликлар шевасида бир қанча тожикчалашган сўзлар ҳам мавжуд; акамулла, язна (почча), язнамулла, янгамулла, янгапошшо, ояпошшо, аммамулла, амақимулла ва ҳоказо. Тошкент, Фарғона шеваларида келин, куёв сўзлари ишлатилса ҳам, келин ёки куёвнинг исми билан чақирилади. Бизда келин ёки келинмулла, куёв ёки домод деб мурожаат қилинади.

Карманаликлар шевасида I, II шахс бирлик олоқлари мен, сен эмас, ман, сан шаклида ишлатилади. Масалан: дафтар-маники, китоб-саники, Ман бугун дам оламан, сан ишга борасан. Кўпчилик қўшимчаси «лар» карманаликлар шевасида «ла» шаклида ишлатилади. Масалан: одамлани чақир, қўйлани ҳайда, моллани боқ каби. Худди шундай ҳурмат маъносидagi «лар» ҳам «ла» бўлиб қолади. Дадамла келлила, онам айтила шаклида.

Карманаликлар шевасида қаратқич келишиги қўшимчаси (нинг) деярли ишлатилмайди. Урин-пайт келишик қўшимчаси «да», жўналиш келишик қўшимчаси «га» билан кўпинча алмаштирилади. Масалан: Сан қаерга(да) эдинг? Йиғилиш сояти бешга чақирилади. Отам шаҳарга ишлайди. Онанг ишгами? (ишдами?)... Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Туман шевасида билан, ҳам боғловчиларни қўшилиб бошқача шакл олади. М: Бизаникигаям келинг. Силаниман манам бораман. Бу ердаги силаниман-сизлар билан, манам-мен ҳам шаклида айтилган.

Карманаликлар шевасида яна бир ўзига хослик учрайди. Айрим сўзларнинг биринчи, баъзан иккинчи бўғинидаги «о» товуши «а» билан айтилади. Масалан: опа-ала, қора-қаро, қачон-қачан? оёқ-аёқ, жуда-жудо ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтганда, Кармана шевасида келти-



рилган намуналар бизнинг оддий кузатувларимиз маҳсули. Мутахассилар мукаммал ўрганса арзийдиган мавзу.

Сўнги йилларда шеваларда сўзлашиш анча камайиб кетди. Чунки ҳозирги авлоди асосан шўролар даврида туғилиб ўсган, шўро мактабларида таълим олган, улар ўзбек адабий тилини анча пухта ўрганган, қолаберса мактабларда ўзбек тили-адабиёти фанини пухта ўргатилади. Ҳар бир хонадонга матбуотнинг кириб борганлиги, радио ва телевидениенинг таъсири карманаликлар шевасининг адабийлашувига ижобий таъсир этган.

### УРФ-ОДАТЛАР, МАРОСИМЛАР...

Халқимизнинг катта тарбиявий аҳамиятга молик кўпгина яхши ва ўлмас маросимлари, удумлари ҳамда урф-одатлари бор. Улар авлоддан-авлодга ўтиб, узоқ даврлар мобайнида сақланиб, сайқалланиб бугунги кунларгача етиб келди. Масалан; тўй маросимларини олиб кўрайлик. Унда узоқ-яқин қариндош-уруғлар, дўсту ёр, маҳалла-кўйнинг йиғилиши, маслаҳат қилиб ўтказиши азалий одат. Шуниси характерлики, тўй куни кўнгили-хираликлар, гина ва аразлар унут бўлади. Ҳамма хурсандчиликини бирга баҳам кўради. Қуйида Кармана туманида никоҳ тўйининг ўзига хос томонлари ва бошқа вилоятлар тўйига ўхшамайдиган жиҳатлари ҳақида фикр юритамиз.

Азалдан ўғил ёки қиз томон қуда-анда бўлишдан олдин оилаларнинг барча жиҳатлари синчиклаб ўрганилган. Айниқса, қиз томонга кўпроқ эътибор берилган. «Онасини кўр қизини ол, милкени кўр бўзини ол» мақоли бежиз айтилмаган. Бўлажак келиннинг оиласидаги аҳвол, унинг одоби, пазандалиги, ҳунармандлиги, уруғининг тозаллиги зимдан ўрганилган. Худди шу залда ўғил томон ҳам ўрганилган. Ўзаро ўрганувлардан сўнг қизга совчи юборилган. Совчи биринчи бор қизнинг ота-онасига нима учун келганини айтади, икки ёшнинг келажагига доир фикрларни сўзлайди. Шундан сўнг қиз томон ҳам куёв томонни ўрганиш билан бирга оғани ва қариндош-уруғлари билан маслаҳат қилиш лозимлигини билдиради. Иккинчи, учинчи бориш натижасида ўзаро розилик билан қиз-йигитга унаштирилади. Қудандалар шу кундан бошлаб тўйга тайёргарликни кўрадилар. Қиз томон нон синдирилгач, тўй куни ва унинг

харажатлари ҳақида келишадилар. Белгиланган кун ҳар икки томон эл-хешлари, оға-инилари, маҳалла-кўй билан мазкур қизнинг куёвга берилаётганлигини маълум қилади.

Аввалги даврларда куёв уйига келгунча қизни кўрмас эди. Ҳозир унаштирилгач, қиз билан йигит учрашиб туради. Бир-бирининг характериини ўрганади. Бу кейинги йилларда расм бўлган янгича анъанадир. Сўнг-ра қиз томон қалин сўрашдек удумга ёпишиб олади. Икки томоннинг дастлабки кунданок тортишуви бошланади. Қиз томон катта миқдорда қалин пул айтади. Йигит томон кўнмайди. Ахир-оқибат бир қарорга келинади.

Қадимда ота-боболаримиз удуми бўйича қалин деб «Сут пули»га айтишган, яъни она қизига сут бериб, вояга етказгани учун арзимаган миқдорда «Сут пули» олган.

Энди икки оғиз қиз ва йигитнинг сарполари ҳақида. Қадимда туманимизда бу одатга ҳам камтарона ёндошилган. Қизга 4—5 та сатин, шойи куйлаклар тикилган. Йигитга ҳам худди шундай, яъни бир чопон, салла, дўппи ва белбоғ қалинарни. Шунингдек, тўртта кўрпача ва иккита кўрна, ёстиғи билан, йигит томон тайёрлар эди. Афсуски сўнгги вақтларда бу соҳада ҳам сарф-харажати ошириб юбордилар...

Тўй бошланади. Йигит томон ўзининг эл-хеш ва маҳалладошлари билан қизниқига боради. Куёвнинг ўртоқлари машъал кўтариб, «Хуй балле» деб қўшиқ айтиб боришади. Қиз уйининг бир бурчагида чимилдиқ қилинади. Қиз чимилдиққа кирмасдан олдин «падар вакил»ни унинг олдига юборадилар. Падар вакил қиздан: «шу йигитни қабул қилдингми» деб сўрайди. Қиз: «Ҳа» — деб жавоб беради. Шундан сўнг қиз билан йигитни чимилдиққа киритишади ва ўша ерда «Саломнома» ўқилади. Чимилдиққа кирган ҳар икки ёш устидан таиға, қанд сочадилар. Шу ерда қиз билан йигит ўзининг чаққонлигини исботлаш учун оёқ босиш ўйинини кўрсатади. Қиз чаққонми, йигитми?... Сўнг-ра қиз томоннинг ота-онаси ва қариндошлари йигитни ўтиришга таклиф қилади. Йигит ва қиз одоб билан ўтиргач, ине-жинсларни ҳайдаш учун исиряқ тутатилади. Келажаклари ширин-шакар бўлиши учун шарбат тортилади. Бундан ташқари келин-куёвга ойнага қараш таклиф қилинади. Ундан сўнг дастурхон ёзилиб, ноз-неъматлар



ва ширгурунч тортилади. Куёвнинг қўйнига 8—10 тача тухум соладилар. Бу икки ёшнинг бола-чақаси кўп бўлсин деган умиддир. Куёв келин учун олиб келган совғасини бериб, фотиҳа ўқилгач, чиқиб кетади. Сўнгра қизни олиб кетиш маросими бошланади. Қиз отасининг олдига келиб, унинг ўнг тиззасига бош уради. Бунинг маъноси ота фарзандидан рози бўлишидир. Ота қизига бахт тилайди. Кейин қизни яқин кишиси отга миндириб, йигитни келинга олиб боради. Йигит келинни сабрсизлик билан кутади. Йигит томон олов ёқиб, отдан қизни кўтариб олади ва оловдан уч марта айлантриб, уйдаги чимилдиққа этиб қўяди. Чимилдиқ ичида ҳеч қандай расм-русум бўлмайди. Йигит ўз уйида эл-хешлари ва дўстлари билан базм-хушвақтликка ўтиради. Тўй давомида келин-куёв номига яхши ниятлар айтилади. Тўйнинг эртасига куёв қайночасиникига саломга боради. Бу одат уч кун давом этади. Уз навбатида келинчакни ҳам эрталаб барвақт куёвнинг оға-инилариникига саломга элтадилар. Сўнгра кайвони чиқиб, маҳаллани «келин салом»га таклиф қилади. Келич ясашиб, даврага чиқади. Унинг юзини қайночаси биринчи бўлиб очади. Шундан сўнг оға-инилари топганини келинга совға қилиб, юз кўришадилар. Бундан ташқари ҳамма кетгач, келинга хамир қилдирадилар, сурпасаночни унга топширадилар.

Хуллас, эрталабки саломдан тортиб, рўзгор ишларигача, ўқиш ва ишлашгача, куёвнинг қариндош-уруғларигача бўлган мулойим муомиласи-ю, меҳр-оқибати келин қадрини оширади. Йигит ҳам шундай қилгач, у ҳам иззат-икромда бўлади.

Тўйдан бир ҳафта ёки ўн кундан кейин қуда-андалар ҳар икки ёшни чорлайдилар. Бу расм-русум келин-куёвнинг қариндош-уруғ ва қуда-анданикига бориб-келиш учун таништириш воситасини бажаради, улар ўртасида меҳр-муҳаббатни янада оширади.

## БЕШИҚ ТҮЙИ

Йигит ва қиз турмуш қуриб, фарзанд кўргандан сўнг унга яхши ният билан исм қўядилар. Чақалоқ 5—10 кунлик бўлгач қулоғига «азон» айтилади. Сўнгра бешикка белаш маросими бўлади. Уни беш кеча дейилади. Маросимга маҳалладан икки-уч киши ва айрим қариндошлар келади. Угра оши қилиниб болани бешикка мо-

моси боғлайдилар. Момо чақалоқни қўлига олиб, бешикнинг бош қисмига қўйиб уч марта «чапми, ростми» дейди. Кейин болани бешикка боғлайди. Бешикни рўй-пўш билан ёпиб, унинг устидан дастурхон ташлайди. «Рисқи мўл бўлсин», деб, қўлига навог ёки қанд олиб, бешикнинг устига тўқиллатиб уради. Болага: «Қўрқма, ота-онанг уришса ҳам қўрқма, ит ҳуриса ҳам қўрқма», деб айтади. Сўнг бешик устидан қанд сочилади. Момо ёш онага ўргатиб «Алла» айтади. Қадим замонда қизнинг ота-онаси беш кечага (кейинчалик уни бешик тўйи деб атаганлар) битта сандиқ ва битта офтоба олиб, сандиққа кулча, бўғирсоқ, қатлама, қанд-қурс солиб келган. Бу маросим катта дабдаба билан ўтказилмаган. Кейинги вақтларда айрим кишилар томонидан мисли қўрилмаган тарзда исрофгарчиликка йўл қўйилиб, дабдаба билан ўтказилмоқда. Бу урф-одатларга ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас.

### БЕШИК-КЕРТИ

Бешик крти ҳам қадим расм-русумлардан бирдир. У ўтмишда бир-бирига яқин оилаларнинг бирида ўғил-иккинчисида қиз туғилса, улар вояга етганларида бирга турмуш қуришлари туғилган пайтида белгилаб қўйиладиган одатдир. Кўп жойларда ота-оналар келишиб, қизнинг бошини «боғлаб» қўйиш учун бешик дастасини пичоқ билан кртиб — белги қилиб қўйганлар. Карманада қизнинг эшиги олдини бориб супурганлар. Айниқса, бизда бу ҳол кўп учрайди. Бешик крти (бизда бешик кетди) — уруғ-қабилачилик даврининг қолдиғи. Қўшни уруғ ва қабилалар ўзаро дўстликни мустаҳкамлашда бешик кртидан фойдаланганлар. Бешик крти қилинган фарзандлар вояга етганларида турмуш қуришлари шарт бўлган. Ҳозирги даврда бешик крти одати деярли йўқолиб кетмоқда.

### СУННАТ ТҶИИ

Бу тўй авлоддан-авлодга ўтиб келаётган урф-одатлардан энг қадимийсидир. Агар унинг тарихига аҳамият берилса, Ҳазрати Иброҳим Халиллоллоҳ замонида бориб тақалади...

Ўғил фарзанд 3, 5, 7, 11 ёшларида албатта суннат қилинади. Суннат қилинган, мусулмон саналади. Суннат



тўйи қиз тўйига қараганда сал камхарж ва осон. Чунки суннат тўйи қилувчи онла борини кўпчилик олдига қўяди. Қариндош-уруғ ва маҳалла аввал кенгашиб, тўйчининг бор-йўғини биладилар ва тўй режасини тўзиб, маҳалладошлар уни ўтказишга киришадилар. Узоқдан келган меҳмон бўдса, қўнаққа оладилар. Келган меҳмонлар ғоят иззат-иқром билан базмхонага қабул қилинади.

Тўйга тўёна деганларидек, тўйчига эл-хешлари, дўст-биродарлари пул ёки бир жонлиқ ҳадья қиладилар. Шундай қилиб, суннат тўйи бошланади. Тўйни ўтказиш учун айрим оилалар ўзларининг кучига қараб, уни камтарона ўтказишга ҳаракат қиладилар. Тўйнинг иккинчи кунини маҳаллага ош берилади. Ана шу вақтда тўйчи ўзига тегишли одамларга сарполар беради. Сўнгра бошнинг суннат қилиш билан суннат тўйи тугалланади.

## КЎПҚОРИ ВА ПОЛВОНЛИК ҲАҚИДА

Кўпқори ва полвонлик халқимизнинг, шу жумладан, қарманликларнинг энг қадимий удумларидан ҳисобланган. У ғоят мардликни, ботирликни, жасорат ва бақувватликни талаб этган.

Кўпқори ва полвонлик Қарманда никоҳ ва суннат тўйида томоша сифатида кўрсатилган. Тўйга хабар қилаётганларида: «Кўпқори ва полвонлик бўлади», деб махеус эълон қилганлар. Атрофлардан кўпқоритозлар, чавандоз ва полвонлар йиғилган. Отлар тўйчи томонидан озуқа билан таъминланган. Тўйчи кўпқори қиладиган жойни ташлаб, у ерда чортоқ ясаган. Тўйнинг иккинчи кунини кўпқори ва полвонлик томошалари бошланган. Кўпқори икки бўлимдан иборат бўлиб, «Қоқма» ва «Солма» деб аталади. Қоқмада кўпқоритозлар сўйилиб, ичи тозаланган саркани отнинг эгарига ва ўзларининг тақимларига босиб, маълум масофагача югурадилар. Мақсад — отларни қизитиб, кўпқорига тайёрлашдир. Қоқмада кўпқоритозларга ҳеч нима берилмайди. Солма эса бошқача. Кўп вилоятларда кўпқоритозлар улоқни олиб, маълум бир маррага элтиб ташлайди. Қарманда эса бундай эмас, отлар тўдасидан улоқни 50—60 метр чамаси узоқликка олиб чиқса, уни «ҳалол-ҳалол» деб табрикляшади. Улоқни тўдадан олиб чиққан киши чортоқда ўтирган кишиларга келтириб бериб, эълон қилинган соғани олади. Улоқ ҳар ташланганда

совға эълон қилинади. Улоқ тўйчининг атаган совгалари тамом бўлгунча давом этади. Охирги совға улоқни ўзи бўлади. Ким шу улоқни олиб чиқса, уни уйига олиб кетади. Шундай қилиб, кўпкори томошаси қарийиб 2—3 соат давом этади.

Ана шу тўйларда миллий маросимлардан яна бири полвонлик ҳам ўтказилган. Бу курашларда қишлоқ билан қишлоқ, шаҳар билан шаҳар, вилоят билан вилоят полвонлари куч синашган. Тўйчи буларга ҳам совға улашган, голиб чиққан кишилар номига «полвон» сўзи қўшиб айтиладиган бўлган.

Иккилоб давригача полвонлар уч гуруҳга бўлинган: Амир полвонлари, бек полвонлари ва маҳаллий маросимлар полвонлари. Амир полвони гоёт кучли бўлиб, деярли елкаси ерга тегмаган. Кармана атрофларидан ҳам Амир полвонлари етишиб чиққан. Темиршайхлик Қурбон полвон XX аср бошларида Амирнинг полвони бўлган. Унинг бўйи 2 метрдан ортиқ, оғирлиги 200 кг. атрофида бўлиб, ҳаёти давомида елкаси ерга тегмаган, доврўғи амир тасарруфидаги барча ҳудудларда маълум ва машҳур бўлган.

Шунингдек бекликларда ҳам курашчи полвонлар фаолият кўрсатган.

Ҳозирги пайтда ота-боболар удумини давом эттириб келаётган Аваз полвон, собиқ СССР ва Европа чемпиони Ибод Эргашев полвонларчи кўрсатиш мумкин. Ибод Эргашев 1937 йилда туғилган, кураш бўйича собиқ СССР спорт устаси. У 1961 йили Афғонистонда бўлиб ўтган халқаро эркин кураш мусобақасида қатнашиб, афғонистонлик Мустафо полвоннинг курагини ерга теккизган. Бу ғалабаси учун Афғонистон подшосининг шахсий мукофоти ва медалини қўлга киритган. Ҳозирги пайтда ёш авлодга кураш сирларини ўргатмоқда.

## ЭСКИ СПОРТ ҲИЙНЛАРИ

АККОЛ ҲИЙН. Бу эски Ҳийнлардан бири бўлиб, уни ҳам болалар, ҳам катталар Ҳийнаган. У аккол ва чўғондан иборат. Аккол 22—25 сантимет узунликдаги, учлари йўнилган ўрта бармоқ қалинлигидаги чўп. Чўғон эса акколни урадиган 40—50 сантимет узунликдаги чўп. Бу Ҳийнин асосан 2—3 киши Ҳийнайди. Ҳийн тартиби қуйидагича: Текис ерда бўйи 20, эни 4—5 сантимет чурча ковланиб, устига аккол чўпи қўйилади. Марра



аниқлаб олингандан кейин, ўйинни биринчи бўлиб бошлаган бола чўғон билан акколни тагидан ҳавога кўтариб, уни қаттиқ уриб узоққа учиради. Шерик ўйинчи эса акколни бориб тушган ердан чуқурчага қараб отади, агар аккол чўпи чуқурчага ёки чуқурча атрофига чўғон чўпи етадиган даражага тушса, акколни уришни қўлга киритади, агар чуқурча атрофига тушира олмаса, акколни урган киши ердаги акколни учидан кўтариб уч марта уришни такрорлайди. Бу пайт шериги акколак, дукколак, секолак деб санаб туради. Сўнг у аккол бориб тушган ердан аккол чуқурчасигача бўлган масофани қадамлаб ўлчаб, ерга ёзиб қўяди. Ўйинни бошқатдан бошлайди. Шундай қилиб, ўйин белгиланган маррага етгунча давом этади. Марра эгаллангач, ғолиб ўйинчи акколни чўғон билан чақитади, яъни ерга тушгунча уради. Дейлик, уч марта чақитади. Ана шундан кейин акколни чуқурчага қўйиб, тагидан кўтариб уради, бориб тушган жойидан яна уради, хуллас, уч марта уриб, иложи борича чуқурчадан узоқлаштиради. Мағлуб ўйинчи аккол охириги бориб тушган нуқтадан, чуқурчагача нафас олмасдан зувуллаб югуриб келади. Агар шу орада нафас олса, зувуллаб югуриш яна давом этади. Югуриб ўтгандан кейин ўйин яна қайтадан бошланади.

**ЧИГИ-ЧИГИ.** Бу ўйинда асосан 2—4 ўғил бола қатнашиб, кўринишидан хоккейни эслатади. Текис ерда диаметри 20 сантим, чуқурлиги 15 сантим келадиган чуқурча ковланиб, чуқурча марказидан 1,5 метр диаметри айлана чизилади. Айлана ичкарисидан бир киши дарвозабон вазифасини бажаради. Ўйинчилар қўлларидаги махсус таёқ билан шар шаклидаги ёғоч кундачани дарвозабонни алдаб айлана ичкарисига кирмасдан чуқурчага тушириши керак. Агар дарвозабон уч марта ҳужумни қайтарса, бошқа навбатдаги киши дарвозабонликка турган. Шу тариқа ким «дарвоза»га туриб энг кам марта кундачани туширса у ғолиб ҳисобланган.

**ХОНАДУЛҚИ.** Бу ўйинда икки киши ўрик данаги ёки ёнғоқ билан ўйнайди. Бунда девор яқинида ерга диаметри 10—12 сантим чуқурча ковланиб, тахминан 4—4,5 метр узоқликдан чуқурчага 10 дона данакнинг ҳаммасини бирдан отади. Чуқурчага нечта данак тушса, шеригидан шунча данак олади. Навбатма-навбат данак отишиб, ўйин шеригининг данагини ютиб олгунча ўйналади.

## ХАЛҚ ТАБОБАТИГА БИР НАЗАР

Кармана атрофларида ҳам азалдан халқ табobati шоксак даражада тараққий этиб келган. Биздаги табиб ва ҳақимлар қўл-оёқ синиши, чиқиши, қулоқ, томоқдаги яра-чақаларни йўқотиш, бод, ичбуруқ, боди ҳосил, захм, ошқозон касалликларини даволашни яхши ўзлаштириб олишган. Масалан, чақалоқнинг қорни дам бўлса, чумчуқнинг тезагини ёки арпабодийен ўсимлигидан қайнатиб бериш билан уни тузатганлар. Бошнинг кўтаролмай лаҳос бўлса, унинг бошига тухумнинг сариғи билан таноқор қиладилар. Бундай усул билан бола ўша заҳотиёқ соғаяди.

Бундан ташқари катта ва кичикка баробар бўлган айрим беморликлар борки, улар халқ табobati орқали тузатилган. Қиши пешонаси ва буруи атрофи шишиб, оғриқ зўрайиб, ҳарорати кўтарилса, унга қизил арининг уяси билан ёғи олинган чакка (сўзма) аралаштириб сурулса, шишни қайтариб, ҳароратни туширади, йирингни ёради. Бу касалнинг номини эл ўртасида «баромас» ёки «саромас» деб юритилади. У кўпинча қон бузилиши оқибатида пайдо бўлиши мумкин. Халқ табobatiда қорин оғриғини қолдириш учун жийдадан фойдаланганлар. Уни еганлар ёки қайнатиб ичганлар, бош оғриғига чилон жийда даво ҳисобланган. Ҳозирги вақтда уни қон босими деб юритадилар.

Бундан ташқари Кармана табobatiда шикаст резлик касби ҳам тараққий этган. Қашининг қўли, оёғи турли бўғинлардан чиқса ёки синса, ана шу мураккаб давои шикаст резлар бажарганлар. Афсуски, машҳур табибларнинг номлари бизгача етиб келмаган. Шундай бўлсада эл ўртасида шуҳрат қозонган ҳақимларни аниқлашга ҳаракат қилдик. 90 ёшли Бадриддин Аҳмедовнинг гувоҳлик беришича, Арғун қишлоғида Ҳақим табиб ўтган экан. Табибдан ич, кўз, суяк оғриқлари, куйдирги, бодга йўлиққанлар, синганлар шифо топар экан. Шундай зеҳли табиблардан бири дўрмонлик Ҳамдам Қўлдошевдир. У табиблик сирларини раҳматли аммаси Кумри Рустамовадан ўрганган. Бу аёл ўз даврининг етук табибларидан бўлган. Аммо фарзанди бўлмаганлиги сабабли жияни Ҳамдамга ўз билим ва тажрибаларини ўргатган. Ҳозирги пайтда Ҳ. Қўлдошев уйида ошқозон, жигар, захм, боди ҳосил, бод, аллергия, ич-



буруғ, саратон каби касалликларни халқ табобати усулида даволаб келмоқда.

Шу ўрида табибнинг турли касалликларни даволаш усули, шифобахш дориларни тайёрлаш йўллари ҳақидаги тажрибаларига қисқача тўхталамиз.

**Ошқозон-ичак касали.** Тоғ зираси ва сентябрь ойида терилган назила ўсимлиги чўппини қайнатиб, 10 кун давомида овқатдан кейин ичилса шифо топади.

**Жигар хасталиги.** Бунда тоғ ялпизининг икки донасини 0,5 литр сувга яхшилаб қайнатиб, 3 маҳал (15 кун давомида) ичилса, оғриқ йўқолади.

**Боди ҳосил.** Бу дарддан халос бўлиш учун сентябрь ойида териб қуритилган туятовон ўсимлиги ва май ойида терилган икрос (чўл сабзи) ўти майдаланиб паст оловга қайнатилади, совугач оз-оздан истеъмол қилинади.

**Захм.** Назила ўсимлиги гули ва барги алоҳида, чўпи алоҳида қайнатилади. Сўнгра гули ва баргини чойдек дамлаб ичилади, чўпидан тайёрланган сувга эса бутун аъзолари бир неча бор ювилади. Бу тақлидда бир ҳафта давом эттирилса, бемор касалдан фориг бўлади.

**Аллергия.** Тошма чиқишига шифо сифатида ойнагач (оқ тош атрофидан олинган ранги оқ тош) ва навшотир аралашмаси истеъмол қилинса, касал қайтади.

**Қизомиқ чиққанда** «Қизилча тоғ» ўсимлиги сувга қайнатилиб ичирилса, яхши бўлиб кетади.

**Бод ёки «қора ел» касали** инсоният учун ўта хавфли, бедаво хасталик ҳисобланади. Касалини даволашда тоғ эчкиэмари тутилиб, тириклай бошидан осмоқ зарур. Кун тинида осилган эчкиэмар танасидаги ёғ ажралиб чиқиб, пастдаги махсус идишга оқади. Эчкиэмар қуритилгач, у куйдирилади ва кули йиғиб олинади. Ана шу кул шифобахш бўлиб, «қора ел» касалини даволайди, унинг учун эчкиэмар кули махсус найчага солиниб, тананинг қора ел тушган жойига пуркалади. Эчкиэмар мойи ўз навбатида кислотасимон бўлиб, турли яра-чақаларни тузатишда ишлатилади.

Бундан ташқари табиб Ҳ. Қўлдошев касалларни даволашда қўлвор илон гўшти, ёғидан, типратикон, қуён каби жониворлардан ҳам фойдаланади.

Туманимизда Ҳамдам табибдан ташқари, айрончилик Ҳосил бобо, баҳринлик Аваз дукчи, бешкентлик Розия Рўзиева каби табиб ва ҳакимлар ҳам халқ орасида катта обрў ва ҳурматга сазовор бўлишган.

## ҚАЛАМ СЕҲРИ

Донишмандлар қаламни мулк безаги ва қалб мактуби деб таърифлаганлар. Қаламсиз сўз тансиз жонга ўхшайди. Сўз билан қалам топилганда абадийлик бошланади, ўт алаиға олади. Қалбларга чўғ ташлайди.

Мусулмон оламида қаламнинг ўн икки хили мавжуд. Уларнинг ҳар бир узунлиги, катта-кичиклигига қараб ўз шаклига эга бўлган. Хаттотлар бу қаламларнинг ҳар бирини буюк инсонларнинг номлари билан атаганлар. Айнан қалам тўғрисида ёзишимиздан мақсад, мусулмон оламидаги шу 12 қаламнинг бири Қарманада бўлганлигидир. Бу ҳақда Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнама» (Т., «Меҳнат», 1999 й., 40—74 бетлар) китобида қуйидагича баён этилган.

Қаламларнинг турлари машҳур адиблар ва вазирларнинг номлари билан аталган. Масалан:

1. Абу Али Муҳаммад ибн Али ибн Муқла— халифа Муқтодирнинг вазири номидаги қалам.

2. Абу Амир Абдуллоҳ — эронлик машҳур таржимон номидаги қалам.

3. Абу Муҳаммад Ал Ҳасан ибн Муҳаммад Ул Муҳаллибий (907—967 й.) Қармана султони Муъиз Удаланинг вазири номидаги қалам.

4. Булвазлий қалами.

5. Амидий қалами.

6. Исмоилӣ қалами.

7. Саъидий қалами.

8. Миҳрон қалами.

9. Шамсий қалами.

10. Муқаффаъ қалами.

11. Мухалхилий қалами.

Ушбу қаламлар орасида бевосита Қарманага тегишли қаламнинг борлиги бу жойнинг муқаддас эканлигини, унда олиму, фозилларнинг кўп ўтганлиги, оламда донг таратган шаҳарлардан бири бўлганлигини билдиради. Шунинг ҳам айтиш керакки, қалам васфи турли тарихий асарларда, ғазал ва марсияларда тараннум этилган. Қалам Оллоҳ томонидан яратилган сирли-мўъжизавий нарса ҳисобланади.

Биз ҳам Қармана тарихидан ҳикоя қилган айрим лавҳаларни мухтасар этиб, бизга яқиндан ёрдам берган барча дўстларга чексиз миннатдорчилик билдириб, қалам сеҳридан тўкилган ушбу мисралар билан сўзимизни якунлашни лозим топдик:



Сенинг мадҳингни айтай — жонажоним Қарманам,  
Сенинг бахтингни айтай — жонажоним Қарманам,  
Баъзан қаҳрингни айтай — жонажоним Қарманам,  
Сенинг қадрингни айтай — жонажоним Қарманам,

Неча фотеҳлар сенинг бағринг кабоб айлади,  
Элларинг кўксини ҳар ерда хуноб айлади,  
Неча гулшан гўшаларни хароб айлади,  
Сен эса қаддингни тутдинг, қаҳрамоним Қарманам.

Кешу, Шош, Афросеб, балки Варахша сенга тенг,  
Кетди доврўнинг сенинг, Хитой, Ажам дунёга кенг,  
Икки-уч минг йил эрурки, ул либос — кўйлақка энг,  
Дилда фаҳрим, кўзда нурим, жон-жаҳоним Қарманам.

Аслида ҳуснингга хол бўлган ул Арк — давлат қани?  
Олама кўз-кўз қилувчи Сардабо-савлат қани?  
Мирзо Чорбоғ каби гулзор, жонфизо сурат қани?  
Бариси бир-бир йиқилди, бағриқоним Қарманам.

Бир томонда пок юракли Қосим Шайх имон деди,  
Бир томонда Деҳгароний — Мавлон Ориф ишон деди,  
Бир тарафда Темир Шайх; мен дардинга дармон деди,  
Кўзга суртай тупроғингни, жонажоним Қарманам...

Меҳнат аҳлини кўрингки, аксини ҳалол терда топар,  
Мустақиллик бирдан бахтин ерда топар,  
Дони, илақ, қорақўл, пахтаю-дурда топар,  
Эй менинг қўли қадоғим, шавқату шоним Қарманам.

## ФОНДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎИХАТИ

1. Наршахий. Бухоро тарихи. Т., «Камалак», 1991 й.
2. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т., Ф. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990 й.
3. «Темурнома», Т., «Чўлпон», 1990 й.
4. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т., «Юлдузча», 1989 й.
5. А. Муҳаммаджонов. Қадимги Бухоро. Т., «Фан», 1991 й.
6. Г. А. Пугаченкова. Памятники социалистических стран. Москва—Лейпциг, 1983 г.
7. С. Қораев. Географик номлар маъноси. Т., «Ўзбекистон», 1978 й.
8. Ҳ. Ҳасанов. Сайёҳ олимлар. Т., «Ўзбекистон», 1981 й.
9. В. Бартольд. Географические очерки. Москва, том I, 1963 г.
10. Л. Н. Ремпел. Бухоро ёзувлари. Т., «Фан», 1981 й.
11. Ўзбек Совет Энциклопедияси. 2., 4., 12-томлар.
12. Саййид Муҳаммад Носир. Тухфат аз-зоирин (Орифжонов литографияси).
13. Х. Таниш Бухорий. Шарафномаи шохий. Т., II том, 1969 й.
14. Н. Немцева. Урта Осиёнинг IX—XII аср ёдгорликлари. Т., 1980 й.
15. Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Т., «Фан», 1991 й.
16. Навоий райони (тарихий иқтисодий справка). Қармана, 1989 й.
17. Газета ва журналлар.



## ТАРИХ ШОДАСИДАГИ ГАВҲАРЛАРДАН БИРИ

*«Кармана заминида худди ҳазинанинг устидан юргандек бўлман».*

Иброҳим ҒАФУРОВ.

**Кармана** — икки улуг тарихий шаҳар — Самарқанд ва Бухорони қадим-қадимдан бир-бирига боғлаб келаётган муқаддас макон. Гуё икки улкан чўққи ўртасидаги емирилмас ғояга ўхшайди.

**Кармана** — асрларнинг гоҳ нурли, гоҳ мунгли кунларини, гоҳ қувончли, гоҳ изтиробли индомларини авлодлардан-авлодларга етказиб келаётган ўлмас наво. Уни чалиб, куйлаб адо этиб бўлмайди. Ҳамиша янграб турди.

**Кармана** — буюк боболаримиз, етук алломалар руҳи мангу макон этган бебаҳо юрт. Бу ерда машҳур олим Али Қушчининг муборак руҳи ҳамиша кезиб юради.

**Кармана** — улуг шоир ва саркарда Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да гўзал ва беқиёс таъриф бериб кетган қутлуғ қаламжо.

**Кармана** — янада обод, кўркам, хушманзара бўлиши учун ҳамиша соҳибқирон Амир Темур эътиборида бўлган эъзозли шаҳар.

**Кармана** — машҳур тарихчи Наршахий таърифлаганидек: «адиб ва шоирлар кўп бўлган» сеҳрли диёр.

Қадим ва навқирон шаҳар Кармана тарихидан ҳикоя қилувчи ушбу тўпламдаги қизиқарли лавҳаларни ўқиб чиққач, беихтиёр ҳаслингиздан ана шундай ўй-фикрлар-

нинг кечиши табиий. Туғилган тупроғи ва униб-ўсган юрти тарихини билиш, унинг кечаги кунидан хабардор бўлиш ҳеч қачон, ҳеч кимга зиён қилмайди. Қармана тарихи фақат карманаликлар учун эмас, балки бу қадим шаҳар Ўзбекистондек улуғвор юртнинг бир бўлаги, қадим тарихининг бир саҳифаси бўлгани учун ҳам катта аҳамиятга эга. Қармана гўё Ўзбекистон тарихининг жавоҳирлар шодасидаги ноёб гавҳарлардан бирига ўхшайди. Истардикки, бу гавҳарга ҳеч қачон кўз тегмасин...

Тарих ёлғонни ёқтирмайди. Сохталикни текширмайди. Алдовни ёмон кўради. Тарих саҳифаларидаги ёлғон худди хирмонда янчилган доннинг сомонига ўхшайди. Салгина шамол бўлса бас, дарҳол учиб кетади. Ана шунда ҳақиқий тарихнинг асил қиёфаси намоён бўлади. Собиқ Шўролар тузумининг емирилиши бизга тарихимизнинг сомон босиб сарғайиб кетган саҳифаларини очди. Қаттол тузум даврида нафақат Ўзбекистон тарихи, балки унинг кўпгина шаҳарлари, йирик қишлоқлари, ҳатто гузарлари тарихи ҳам бузиб талқин этилди. Ва ёлғонларга ўралган бу тарих мактабларда ўқитилди. Бутун авлодларнинг хотирасидан жудо қилмоқчи бўлди. Бу ҳам етмагандек, айрим шаҳар ва туманларнинг асил қиёфалари батамом ўзгариб, социалистик қурилиш ниқоби остида тарихий ва маданий ёдгорликлардан жудо бўлди. Қармана ҳам ана шундай жабр-жафоларни кўрган, кўриб куйган юртлардан бири. Ҳақиқатан ҳам Қармана социализм ниқоби остида ўз тарихидан, узоқ ўтмишидан жудо қилиниб, кўп жиҳатлардан вайронага айлантирилди. Китоб муаллифлари куюниб ёзганидек, ўилаб бинолар, қўрғонлар, арк, чорбоғлар, масжидлар нотўғри сиёсат туфайли буздирилиб, йўқотиб юборилди. Ҳозир уларнинг ўрнида шўр босган тупроқ қолган, холос. Айниқса, сўнгги 35 йил ичида қурилган Навоий шаҳридаги sanoat корхоналари Қармана ҳудудидаги экологиянинг кескин бузилишига сабаб бўлди. Масалан, химия, цемент, тоғ-кон заводлари чиқиндилари Қармана тумани ерларини аёвсиз заҳарлади, хушманзара ва ҳосилдор боғларига қирон келтирди, серунум далаларни ишдан чиқарди. Бу ўз-ўзидан инсон саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, турли хил касалликларнинг келиб чиқишига замин ҳозирлади. Хулоса қилиб айтганда Қармана тарихининг қувончли воқеалар билан бирга изтиробли саҳифалари ҳам анча-



*На узбекском языке*

Ахтам ХОТАМОВ, Шухрат ХАЛИЛОВ

ГОЛОС ВЕКОВ

Муҳаррир *О. Абдуллаева*  
Рассом *А. Баҳромов*  
Тех муҳаррири *А. Раҳимов*

Босмахонага 23.05.95 й.да берилди. Босишга 31.07.95 й.да рухсат этилди. Қоғоз бичими 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма табағи 2.25 Шартли босма табағи 3,78. Нашриёт табағи 4,5 Адади 10.000. Буюртма 4475 Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Адолат» нашриёти, 700047, Тошкент, Сайилгоҳ кўчаси, 5.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босма-хонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.